

«Асака» банк: хизматлар сарҳисоби

(14-бетда ўқинг).



Банклар ёш оилаларнинг камолоти сари..... 12

Қишлоқ хўжалигининг ривожини йўлида..... 15

БАНК АХБОРОТНОМАСИ

Банк ходимлари, ишбилармонлар ва тадбиркорларнинг ҳафталик газетаси

ISSN 2010-6602

1995 йил январдан бошлаб нашр этилмоқда

№ 4 (975), 2015 йил 28 январь

www.banknews.uz

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлиси

Тошкент шаҳрида 23 январь кuni Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов иштирок этди.

Йиғилишда Вазирлар Маҳкамаси аъзолари, идоралар ва ташкилотлар раҳбарлари, мамлакатимизда аккредитация қилинган дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар вакиллари, маҳаллий ва чет эл оммавий ахборот воситаларининг мухбирлари қатнашди.

Мажлисни Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Спикери Н.Исмоилов бошқарди.

Кун тартиби тасдиқлангандан кейин депутатлар ва сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг янги сайланган Олий Мажлис олдида ўз вазифаларини зиммасидан соқит қилиши тўғрисидаги мунозаарани кўриб чиқди.

Президентимиз Ислон Каримов қўшма мажлисида маъруза қилди.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик

партияси фракцияси раҳбари С.Турдиев, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг ёшлар билан ишлаш бўйича ўринбосари, сенатор И.Мирзаалиев, Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси раҳбари Ҳ.Кетмонов, Тошкент ахборот технологиялари касбхунара коллежи директори, сенатор А.Шин, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси фракцияси раҳбари С.Отамуратов, Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг Нукус филиали директори, сенатор О.Атаниёзова сўзга чиқиб, Давлатимиз раҳбарининг маърузасидаги йўналишлар ва хулосаларни қўллаб-қувватлади.

Президентимиз Ислон Каримовнинг маърузасида кўйилган вазифаларни амалга ошириш юзасидан чоратадбирлар дастурини ишлаб чиқиш тўғрисида Олий Маж-

лис палаталарининг қўшма қарори қабул қилинди.

Мамлакатимиз Президентини Олий Мажлис кўриб чиқиши учун Ўзбекистон Республикаси Бош вазири лавозимига Шавкат Мирзиёев номзодини тавсия этди.

Шавкат Мирзиёев қўшма мажлисида Вазирлар Маҳкамасининг яқин ва узоқ истиқболга мўлжалланган ҳаракат дастури ҳақида нутқ сўзлади.

Парламент аъзолари кўрсатилган номзодни маъқуллади ва Шавкат Мирзиёевни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири этиб тасдиқлади. Ушбу масала юзасидан Олий Мажлис палаталари тегишли қарорлар қабул қилди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлиси ўзинини якунлади.

Ў.А.

Ўзбекистон банк тизими халқаро рейтинг агентликлари томонидан «барқарор» дея баҳоланиб келинмоқда

Юртимизда барқарор банк тизимини шакллантиришга қаратилган ислохотлар самарали амалга оширилаётгани барча соҳаларда намоён бўлмоқда.

Хусусан, иқтисодиётнинг муҳим тармоғи ҳисобланган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик тобора ривожланиб, юртимиз аҳолисининг ижтимоий-иқтисодий фаровонлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Бунда Юртбошимизнинг соҳа истиқболига қаратаётган эътибори, тизимнинг қонунчилик базаси мустаҳкамланганлиги ҳамда тижорат банкларининг молиявий кўмаги муҳим омил бўлмоқда.

Президентимизнинг 2010 йил 26 ноябрдаги «2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислох қилиш ва барқарорлигини ошириш

ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришни устувор йўналишлари тўғрисида»ги 1438-сонли Қарори ижроси юзасидан юртимиз тижорат банклари томонидан тадбиркорлик субъектлари учун қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш бериш, уларни молиявий қўллаб-қувватлаш ҳамда кўрсатилаётган хизматлар кўламини янада кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, 2014 йил якунлари бўйича банкларнинг жами капитали 2013 йилдагига нисбатан 25 фоизга ошиб, ушбу кўрсаткич сўнгги беш йилда 2,4 баробарга ўсди.

(Давоми 10-бетда).



2014 йилда пул-кредит соҳасидаги вазият ва монетар сиёсатнинг 2015 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари

2014 йилдаги МАКРОИҚТИСОДИЙ ҲОЛАТ ВА РЕАЛ СЕКТОР ТАҲЛИЛИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 17 январда ўтказилган йиғилишида белгилаб берилган 2014 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишлари доирасида амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида республикада макроеқтисодий барқарорлик ва иқтисодиётнинг юқори суръатларда ўсиши таъминланди.

2014 йил якуни бўйича Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) ишлаб чиқариш ҳажмининг 2013 йилга нис-

батан реал ўсиши 8,1 фоизни ва унинг номинал ҳажми 144,9 трлн. сўмни ташкил этди.

Мамлакатимиз иқтисодиётининг юқори суръатларда ўсиши барча мавжуд имкониятларнинг сафарбар қилинаётганлиги ҳамда ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясининг изчил давом эттирилаётганлиги ҳисобига таъминланмоқда. Хусусан:

– хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, бизнес юритиш, маҳаллий ва хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш учун зарур шароит ва қулай муҳит яратиш борасида аниқ чора-тадбирларнинг амалга оширилиши;


– саноатни ривожлантириш ва ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, юқори технологияли ва замо-

навий ишлаб чиқариш объектларини ишга тушириш, ушбу соҳада кенг қамровли инвестицион дастурларнинг изчиллик билан амалга оширилиши;

– истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмини тубдан ошириш, бунда саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш кўламининг янада кенгайтирилиши;

– банкларнинг капиталлашуви, ликвидлиги ва ресурс базасини янада мустаҳкамлаш ҳамда уларнинг инвестицион фаоллигини янада оширишга қаратилган изчил ва аниқ мақсадли чора-тадбирларнинг амалга оширилиши;

(Давоми 2-бетда).



USTUVOR YO'NALISHLAR

2014 йилда пул-кредит соҳасидаги вазият ва монетар сиёсатнинг 2015 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

– ижтимоий соҳани ривожлантириш, аҳоли бандлиги ва реал даромадларининг ошишини таъминлашга қаратилган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши иқтисодиётнинг юқори суръатларда ўсишига замин яратмоқда.

2014 йилда мамлакат иқтисодиётининг барча тармоқларида маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш ҳажмининг юқори суръатларда ўсиши кузатилди.

Хусусан, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш умумий ҳажми 2013 йилга нисбатан 8,3 фоизга, шу жумладан, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми 9,4 фоизга ошди. Бундай юқори ўсиш суръатларини таъминлашда мамлакатимизда қабул қилинган 2011-2015 йилларда саноатни устувор даражада ривожлантириш дастури ва ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашга доир тармоқ дастурлари доирасида амалга оширилган чора-тадбирлар муҳим аҳамият касб этди.

Саноатда юқори ўсиш суръатлари замонавий ва илғор технологияларга асосланган машинасозлик ва металл қайта ишлаш (ўсиш суръати 13,5 фоиз), енгил саноат (16,1 фоиз) ҳамда қурилиш материаллари (10,7 фоиз) саноати тармоқларида кузатилди.

Қишлоқ хўжалиги соҳасини интенсив асосда ривожлантириш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини тубдан яхшилаш, селекция ишларини чуқурлаштириш, мазкур тармоқда ишлаб чиқаришни техник ва технологик янгилаш ҳамда замонавий агротехнологияларни жорий этиш бўйича чора-тадбирларнинг изчиллик билан давом эттирилиши натижасида 2014 йилда қишлоқ хўжалигида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 2013 йилга нисбатан 6,9 фоизга ошди.

Шу жумладан, деҳқончилик маҳсулотларини етиштириш ҳажми 6,9 фоизга, чорвачилик маҳсулотларини етиштириш ҳажми эса 7,0 фоизга ошди.

2014 йилда бозор хизматлари кўрсатиш ҳажми 2013 йилга нисбатан 15,7 фоизга ўсиб, унинг ЯИМ таркибидаги улуши 54 фоизни ташкил этди.

Хизмат кўрсатиш соҳасида юқори ўсиш суръатлари молиявий хизматлар (33,9 фоиз), алоқа ва ахборотлаштириш (24,5 фоиз), компьютер дастурлаш (21,6 фоиз), маиший хизматлар (20,7 фоиз), қурилиш (18,3 фоиз) ҳамда савдо ва умумий овқатланиш (17,5 фоиз) соҳаларида кузатилди.

Давлат инвестиция дастурини амалга ошириш, маҳаллий ва хорижий инвесторлар учун зарур шароит ва қулай муҳит яратиш борасида амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида 2014 йилда мамлакатимиз иқтисодиётига жалб қилинган инвестицияларнинг умумий ҳажми 2013 йилга нисбатан 10,9 фоизга ўсиб,

АҚШ доллари ҳисобида 14,6 млрд. долларни ташкил этди.

Бунда асосий капиталга йўналтирилган инвестицияларнинг аксарият қисми, яъни қарийб 80 фоизи корхоналар, аҳоли, тўғридан-тўғри инвестициялар ва кредитлар ҳисобидан молиялаштирилди. Хусусан, жами капитал қўйилмаларнинг 21,2 фоиздан ортигини ёки 3 млрд. доллардан зиёдини хорижий инвестициялар ва кредитлар ташкил этди.

2014 йилда мамлакат ялпи ички маҳсулотининг 56 фоизи, ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотларининг 31,1 фоизи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳиссасига тўғри келди.

Умумий инвестицияларнинг 73 фоиздан ортиғи ишлаб чиқариш соҳасига ва қарийб 40 фоизи машина ва ускуналар харид қилишга йўналтирилди.

Мамлакатимизда ички бозорни сифатли товарлар билан таъминлаш, экспорт таркибида юқори қўшимча қийматга эга маҳсулотлар улушини кўпайтириш ва янги иш ўринларини яратиш борасида амалга оширилаётган тизимли чора-тадбирлар доирасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасининг мамлакатимиз иқтисодиётида туган ўрни ва аҳамияти тобора ортиб бормоқда.

Хусусан, 2014 йилда мамлакат ялпи ички маҳсулотининг 56 фоизи, ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотларининг 31,1 фоизи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳиссасига тўғри келди. Шу билан бирга, иқтисодиётда жами иш билан банд бўлган аҳолининг 76,5 фоизи шу соҳада фаолият юритмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг маълумотларига кўра, фаолият юритаётган кичик бизнес субъектларининг сони 2014 йил давомида 20 мингтага ошди, 2015 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, 195 мингдан зиёдни (деҳқон ва фермер хўжалиқларини ҳисобга олмаган ҳолда) ташкил этди.

Ҳукумат томонидан мамлакатимиз экспорт салоҳиятини мустаҳкамлаш, экспорт ҳажмининг барқарор ошириш борасида таъминлаш ва унинг таркибида ижобий ўзгаришларга эришиш ҳамда импорт ўрнини босувчи рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар республикамиз ташқи савдо балансининг 180 млн. АҚШ доллари миқдоридаги ижобий сальдо билан ижро этилишини таъминлади.

2014 йилда ҳам бандликни таъминлаш ва аҳоли даромадларини ошириш масалаларига республика Ҳукумати томонидан алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, «2014 йилда иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли

бандлигини таъминлаш Дастури» доирасида тизимли чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида ҳисобот йили давомида республика бўйича қарийб 1 млн. янги иш ўринлари ташкил этилган бўлиб, уларнинг 60 фоизи қишлоқ ҳудудлари ҳиссасига тўғри келади.

Ўз навбатида, 2014 йилда республикамизда аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал даромадлар 2013 йилга нисбатан 10,2 фоизга

ҳамда бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсия, ижтимоий нафақа ва стипендиялар 23,2 фоизга кўпайди.

Бандлик даражаси ҳамда аҳоли даромадларининг бундай ўсиши, ўз навбатида, аҳоли турмуш даражасининг ва ижтимоий фаровонлигининг барқарор равишда ошириш борасида таъминлашга хизмат қилмоқда.

2014 йилда Марказий банк томонидан қатъий пул-кредит сиёсати юритилганлиги ҳамда республика Ҳукумати томонидан иқтисодиётда нархлар барқарорлигини таъминлашга қаратилган тизимли чора-тадбирларнинг амалга оширилиши инфляцияни жиловлашда муҳим аҳамият касб этди ва унинг белгиланган прогноз кўрсаткичдан паст бўлиши таъминланди.

2014 йил якуни бўйича истеъмол баҳолари индекси асосида ҳисобланадиган инфляция даражаси 2013 йилга нисбатан 0,7 фоиз бандга пасайиб, 6,1 фоизни ташкил этди. Бунда истеъмол баҳолари индексининг ўсиши асосан номонетар омиллар ҳисобига юз берди.

Жумладан, 2014 йилда озиқ-овқат маҳсулотларининг нархи 3,7 фоизга ўсиб, унинг инфляцияга таъсири 1,8 фоизни, ноозиқ-овқат маҳсулотлари нархи 7,0 фоизга ўсиб, инфляция даражасига таъсири 2,2 фоизни ташкил этди. Хизматлар нархи эса 11,3 фоизга ўсиб, инфляция даражасига таъсири 2,1 фоизни ташкил қилди.

ПУЛ-КРЕДИТ СОҲАСИДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИШЛАР

2014 йилда Марказий банк томонидан пул-кредит сиёсати «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида»ги Қонун, «Монетар сиёсатнинг 2014 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари» ва Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4 февралдаги «Пул-кредит кўрсаткичларини тартибга солиш механизмини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 63-сонли Қарори талаблари асосида амалга оширилди.

Хусусан, 2014 йилда пул-кредит сиёсатини амалга оширишда асосий эътибор, инфляция даражасининг 6-7 фоизли мақсадли параметри доирасида бўлишини таъминлаш ва

айни пайтда кўзда тутилган юқори иқтисодий ўсиш суръатларини молиявий қўллаб-қувватлаш вазифаларидан келиб чиқиб, иқтисодиётдаги пул таклифини мақбул даражада ушлаб туришга қаратилди.

Шу билан бирга, Марказий банк томонидан пул агрегатларининг ўзгариш динамикаси, пул бозоридаги ҳолат ва тижорат банкларининг ликвидлиги ва уларга таъсир этувчи омиллар бўйича мунтазам таҳлилий мониторинг олиб борилиб, пул ва валюта бозорининг барқарорлигини таъминлаш ҳамда банк тизими ликвидлигини мақбул даражада ушлаб туришга қаратилган тегишли чора-тадбирлар амалга ошириб борилди.

Қайд этилган асосий мақсад ва вазифаларнинг бажарилишини таъминлаш учун Марказий банк ўз тасарруфидаги монетар сиёсатнинг бозор инструментларидан кенг фойдаланди.

Иқтисодиётда пул таклифининг ўзгариши ва шаклланиши

2014 йилда иқтисодиётдаги пул таклифи, яъни пул массаси куйидаги омиллар таъсирида шаклланди.

Мамлакат тўлов баланси ижобий сальдосининг таъминланиши ҳисобига банк тизими соф ташқи активларининг кўпайиши ҳамда 2014 йилда тижорат банклари томонидан иқтисодиётни ривожлантиришнинг устувор йўналишларидаги лойиҳаларни молиявий қўллаб-қувватлашга ва реал сектордаги инвестицион фаолликнинг ошишини янада рағбатлантиришга қаратилган сиёсатнинг давом эттирилиши натижасида банк тизими кредит портфелининг ошириш борасида иқтисодиётда пул таклифининг ўсишига таъсир қилувчи омиллар бўлди.

Шу ўринда, давлат бюджетининг ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,2 фоизга профицит билан ижро этилиши, бюджетдан ташқари давлат мақсадли жамғармалари ҳисобварақларида пул маблағларининг жамланиб борилиши пул массаси ўсишининг олдини олувчи омиллардан бири бўлиб хизмат қилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ҳисобварақига жорий тушумлар ҳисобидан қўшимча равишда 1,6 млрд. АҚШ доллари миқдорида маблағлар йўналтирилиши ҳисобига пул массасининг 3,6 трлн. сўмга ўсиши олди олиниб, ушбу омил ҳам иқтисодиётдаги инфляция босимининг пасайишига хизмат қилди.

Монетар сиёсатнинг бозор инструментларидан фойдаланиш

Ўз навбатида, Марказий банк, инфляция ва иқтисодий ўсишнинг мақсадли параметрларидан келиб чиққан ҳолда, пул таклифи ҳажминини мақбуллаштириш мақсадида пул-кредит сиёсатининг бозор инструментларидан фаол фойдаланди.

(Давоми 3-бетда).

USTUVOR YO'NALISHLAR

2014 йилда пул-кредит соҳасидаги вазият ва монетар сиёсатнинг 2015 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари

(Давоми. Бошланиши 2-бетда).

Бунда Марказий банк томонидан пул бозорида операцияларни амалга оширишда асосий эътибор муомаладаги пул массасини самарали бошқариш, банк тизими ликвидлигини тартибга солиш ва фоиз ставкалари барқарорлигини таъминлашга қаратилди.

Хусусан, 2014 йил давомида пул бозорида банк тизими соф ташқи активларининг кўпайиши ҳисобига шаклланган қўшимча ликвидликни Марказий банкнинг махсус депозитларига жалб қилиш (стерилизация) операциялари амалга ошириб борилди.

Натижада 2014 йилда амалга оширилган депозит операцияларининг ўртача ҳажми 2013 йилга нисбатан 1,1 баробарга ошди (**1-диаграмма**).

2014 йил давомида мажбурий резерв талаблари инструментида тижорат банкларининг кредит ресурслари миқдорига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатиш орқали иқтисодиётдаги пул таклифини тартибга солишнинг муҳим воситаси сифатида қўллаш давом эттирилди.

Бунда мажбурий захира меъёрлари инфляция ва пул массасининг белгиланган мақсадли параметрларидан келиб чиқиб ҳамда тижорат банкла-


2014 йилнинг 1 январидан йиллик 12 фоиздан 10 фоизга туширилди ва йил давомида ўзгартирилмаган ҳолда сақлаб турилди.

Қайта молиялаш ставкасининг 2 фоиз бандга пасайтирилиши пул бозорида фоиз ставкаларининг пасайишига, реал сектор корхоналарининг инвестицион имкониятларини оширишга ҳамда иқтисодиётни кредитлаш ҳажмини янада кенгайтиришга хизмат қилди.

Умуман олганда, пул-кредит соҳасида амалга оширилган ушбу тадбирлар пул массасининг прогноз кўрсаткичларидан паст бўлишини таъминлаш ва инфляция даражасига монетар омиллар таъсирининг олдини олиш имконини берди.

Фоиз ставкалари динамикаси

2014 йил давомида Марказий банк томонидан пул-кредит соҳасида амалга оширилган чора-тадбирлар, шу жумладан, иқтисодиётнинг пулга бўлган талабини банк кредитларини ажратиш ҳажмини кенгайтириш ҳисобига тўлиқ қондириш, банк хизматларидан фойдаланиш шарт-шароитларини соддалаштириш ва арзонлаштириш борасида амалга оширилган ишлар ҳамда қайта молиялаш



Бунда тижорат банклари томонидан ажратилган кредитлар бўйича ўртача тортилган фоиз ставкаси 12,4 фоиздан 10,5 фоизгача, имтиёзли кредитларни ҳисобга олмаган ҳолда эса 14,3 фоиздан 12,5 фоизгача пасайди.

Валюта сиёсати

2014 йилда валюта сиёсати унинг асосий тамойиллари, яъни миллий валютаимиз сўмнинг барқарорлигини ҳамда ички валюта бозорида талаб ва таклифнинг мутаносиблигини таъминлаш мақсадларидан келиб чиқиб амалга оширилди.

Бунда асосий эътибор инфляцияон жараёнларни жиловлашга, миллий валюта алмашув курси кескин тебранишларининг олдини олишга ҳамда экспортни қўллаб-қувватлашга қаратилди.

Ўз навбатида, валюта алмашув курсининг ўзгариб боровчи бошқариладиган усулини қўллаш орқали алмашув курсининг мақсадли коридор доирасида бўлиши таъминланди. Экспортни рағбатлантириш мақсадида сўмнинг АҚШ долларига нисбатан курсини босқичма-босқич пасайтириш чоралари кўрилди.

Натижада 2014 йил давомида сўмнинг АҚШ долларига нисбатан айирбошлаш курси 10 фоизга пасайиб, 2015 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, бир АҚШ доллари 2422,4 сўмни ташкил қилди.

Мамлакатимиз ташқи савдо операцияларининг асосий қисми АҚШ долларида амалга оширилишини инобатга олиб, сўмнинг бошқа хорижий валюталарга нисбатан алмашув курсларини белгилашда операцияларнинг мўлжал сифатида сўмнинг АҚШ долларида нисбатан алмашув курсидан фойдаланилди.

Шунга мувофиқ, сўмнинг АҚШ долларидан бошқа хорижий валюталарга нисбатан алмашув курслари ушбу валюталарнинг ташқи валюта бозорларидаги АҚШ долларига нисбатан курслари динамикаси ва ички валюта бозорида сўмнинг АҚШ долларига нисбатан алмашув курси таъсири остида шаклланди.

Олиб борилган валюта сиёсати таъсирида сўмнинг алмашув курси Хитой юанига нисбатан 7,2 фоизга, фунт стерлинга нисбатан 4,0 фоизга, Корея вонига нисбатан 5,7 фоизга ва Туркия лирасига нисбатан


2,1 фоизга пасайиб, экспортни рағбатлантиришга хизмат қилди.

БАНК ТИЗИМИДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИСЛОҲОТЛАР

2014 йилда республика банк тизimini янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2014 йилги иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор вазифаларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги дастурий маърузаси, 2010 йил 26 ноябрдаги ПҚ-1438-сонли Қарори билан тасдиқланган «2011-2015 йилларда республика молия-банк тизimini янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари бўйича комплекс чора-тадбирлар Дастури» ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг республика молия-банк тизimini ривожлантиришга оид бошқа қарорларида белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда амалга оширилди.

- Бунда асосий эътибор:
 - тижорат банкларининг капиталлашув ва ресурс базасини янада ошириш, мазкур соҳага хусусий капитални кенг жалб этиш, активлар сифатини яхшилаш ҳамда банкларнинг молиявий барқарорлиги ва ликвидлигини янада мустаҳкамлаш;
 - республика тижорат банклари фаолиятини тартибга солиш ва банк назорати тизimini банк назорати бўйича Базель кўмитасининг янги (Базель III) талаблари асосида тақомиллаштириш ишларини давом эттириш;
 - иқтисодиётнинг реал секторини молиявий қўллаб-қувватлашга йўналтириладиган банк кредитлари ҳажмини янада кўпайтириш, тижорат банкларининг инвестицион фаоллигини кучайтириш;
 - кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланишини молиявий қўллаб-қувватлаш, аҳоли бандлигини ошириш, биринчи навбатда, ёшлар ва аёллар бандлигини оширишга қаратилган бизнес лойиҳаларни молиялаштиришга кредитлар ажратиш ҳажмини кенгайтириш;

(Давоми 4-бетда).



рида узоқ муддатли ресурс базасини янада кенгайтириш мақсадида муддати 1 йилгача бўлган депозитлар учун 15 фоиз, муддати 1 йилдан 3 йилгача бўлган депозитлар учун 12 фоиз, муддати 3 йилдан ортиқ бўлган депозитлар учун 10,5 фоиз миқдорда ўзгартирилмасдан қолдирилди.

Натижада 2014 йил охирига келиб, банк тизими ресурс базасининг кенгайтириши ва унинг таркибида узоқ муддатли депозитлар улшининг ортиб боришига мутаносиб равишда тижорат банкларининг Марказий банкдаги мажбурий захиралари ҳажми йил бошига нисбатан 155 млрд. сўмга кўпайди (**2-диаграмма**).

2014 йилда Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси инструментида ҳам пул бозоридаги фоиз ставкаларини бошқариш ҳамда иқтисодий ўсиш жараёнларини рағбатлантириш мақсадида кенг фойдаланилди.

Бунда инфляция даражаси, пул массаси ва бошқа макроиқтисодий кўрсаткичларнинг мақсадли параметрларидан келиб чиқиб, Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси

ставкасининг 2 фоиз бандга туширилганлиги тижорат банкларининг фоиз сиёсатида ўз таъсирини кўрсатди.

Шунингдек, республикадаги мавжуд макроиқтисодий ва молиявий барқарорлик ҳам кредитлар ва депозитлар бўйича фоиз ставкалари динамикасида ўз ижобий аксини топди.

Хусусан, депозитлар бўйича ўртача фоиз ставкаси йил бошидаги 9,6 фоиздан 7,7 фоизгача пасайди.

Бунда жисмоний шахслар депозитлари (талаб қилиб олинмаган депозитлар ҳисобга олинмаган ҳолда) бўйича ўртача тортилган фоиз ставкаси йил бошидаги 9,8 фоиздан 8,0 фоизгача, юридик шахслар депозитлари бўйича эса йил бошидаги 7,4 фоиздан 5,5 фоизгача пасайди.

Шу билан бирга, банклараро пул бозорида ўртача фоиз ставкаси йил давомида 1,0 фоиз бандга пасайиб, 9,0 фоизни ташкил этди.

Тижорат банкларининг ресурс базасини шакллантириш билан боғлиқ харажатларнинг қисқариши мос равишда кредитлар бўйича фоиз ставкаларининг пасайишига олиб келди.

USTUVOR YO'NALISHLAR

2014 йилда пул-кредит соҳасидаги вазият ва монетар сиёсатнинг 2015 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари

(Давоми. Бошланиши 3-бетда).

– банк соҳасида кўшимча имтиёз ва преференциялар жорий қилиш ҳисобига тадбиркорлик субъектларига банк хизматларини кўрсатиш борасида энг қулай шарт-шароитларни яратиш;

– ижтимоий соҳани ривожлантириш, уй-жойлар қуриш ва аҳоли яшаш ҳудудларини ободонлаштириш, таълим ва соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни молиялаштириш, шу жумладан, «Соғлом бола йили» Давлат дастурида банк тизимига юклатилган вазифаларнинг сифатли ижро этилишини таъминлаш;

– мамлакат банк тизими ва тижорат банклари фаолиятининг етакчи халқаро рейтинг агентликлари юқори рейтинг баҳолаганига эришилишини таъминлаш ва мунтазам равишда янгилаб бориш;

– халқаро андозалар ва тамойиллар ҳамда мамлакатимизда бозор муносабатлари ривожланишининг ҳозирги ҳолатидан келиб чиққан ҳолда молия-банк соҳасининг қонунчилик базасини янада такомиллаштириш бўйича вазифаларнинг сифатли ижро этилишини таъминлашга қаратилди.

2014 йил давомида банк тизимида амалга оширилган изчил ва аниқ мақсадли чора-тадбирлар натижасида юқорида санаб ўтилган барча йўналишлар бўйича ижобий натижаларга эришилди.

Банк тизимининг молиявий барқарорлиги ва ривожланиши Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 7 январдаги ПҚ-1464-сонли Қарори билан тасдиқланган индикаторлар тизимига асосан таҳлил қилинганда, банк тизимининг барча кўрсаткичлари «юқори даражада»ги индикатор баҳолаганига мувофиқ келмоқда.

Жумладан, тижорат банкларининг капиталлашувини ошириш бўйича кўрилган чора-тадбирлар натижасида 2014 йил якуни бўйича банк тизимида капиталнинг етарлилик даражаси 23,8 фоизни ташкил этди. Бу эса, банк назорати бўйича Базель кўмитаси томонидан белгиланган халқаро меъёрдан деярли 3 баробар юқоридир.

Банк тизими барқарорлигининг яна бир муҳим кўрсаткичи ҳисобланган ликвидлик даражаси 2014 йил якуни бўйича 64,6 фоизни ёки талаб этиладиган минимал даражадан 2 баробардан ортиқни ташкил этди.

Банклар томонидан аҳолига хизмат кўрсатиш индикаторлари бўйича, яъни ҳар 100 минг (катта ёшли) аҳолига тўғри келадиган банк муассасалари сони 49,7 тани (30 тадан кўпи «юқори» кўрсаткич ҳисобланади) ташкил этади ҳамда мазкур

кўрсаткич бўйича Ўзбекистон МДХ давлатлари орасида пешқадам бўлиб турибди.

Банк муассасаларида жисмоний шахслар томонидан очилган, ҳар 1000 та катта ёшли аҳолига тўғри келадиган банк ҳисобварақлари 1028 бирликни (1000 тадан кўп «юқори» ҳисобланади) ташкил қилиб, мазкур кўрсаткич ҳам «юқори даража»даги баҳога мос келади.

Банк тизими инфратузилмасини ривожлантириш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар

2015 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, республикаимизда фаолият кўрсатаётган тижорат банклари сони 26 тани ташкил этиб, уларнинг 3 таси давлат-тижорат банки, 10 таси акциядорлик-тижорат банки, 8 таси хусусий банк ва 5 таси чет эл капитали иштирокидаги банклар ҳисобланади.

Шунингдек, мамлакатимизда хорижий банкларнинг 6 та ваколатхонаси ўз фаолиятини юритмоқда, улар билан республикаимиз тижорат банклари томонидан кенг қамровли ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқалари ўрнатилган.

Республикаимизнинг барча ҳудудларида тижорат банкларининг тармоқлари янада кенгайиб, 2015 йилнинг 1 январь ҳолатига банкларнинг филиаллари сони 846 тага етди.

Банк муассасаларини аҳоли ва ишлаб чиқариш корхоналари ҳудудларига янада яқинлаштириш, банк хизматларидан фойдаланиш шароитларини янада қулайлаштириш, шу жумладан, мижозларга коммунал ва бошқа тўловларни тўлашлари учун

да жорий этилишини жадаллаштириш бўйича мақсадли кўрсаткичлар белгиланиб, уларнинг тўлиқ бажарилишига эришиш борасида тегишли тадбирлар кўриб борилди.

2015 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, банк ҳисобварақларини масофадан бошқариш тизимларидан фойдаланувчилар умумий сони 534,8 мингтадан ортиб, 2014 йил бошига нисбатан 2 баробарга кўпайди. Шундан, «Интернет-банкнинг» ва «Банк-мижоз» дастурий мажмуаси хизматларидан фойдаланувчилар сони 62,2 мингтани ташкил этган бўлса, «Мобиль-банкнинг» ва «SMS-банкнинг» хизматларидан фойдаланувчилар сони 472,6 мингтага етди.

Ўз навбатида, банк тизимида нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг замонавий шакли – банк пластик карточкалари муомаласини кенгайтириш ва такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилиши натижасида, 2015 йил 1 январь ҳолатига кўра, муомалага чиқарилган банк пластик карталари сони 2014 йилнинг бошига нисбатан 2,4 млн. донага ортиб, 13,4 млн. донани ҳамда чакана савдо ва пуллик хизмат кўрсатиш субъектларига ўрнатилган тўлов терминаллари сони 2014 йилнинг бошига нисбатан 29,3 минг донага ортиб, 159 минг донани ташкил этди.

Натижада 2014 йил давомида пластик карталар орқали амалга оширилган тўловлар ҳажми 2013 йилга нисбатан 1,4 баробарга ошиб, 22,8 трлн. сўмни ташкил этди.

2014 йилда банк тизими инфратузилмасини янада ривожлантириш борасида Ўзбекистон Республикасининг «Гаров реестри тўғрисида»ги Қонуни ижросини таъминлаш ва гаров реестри тизими фаолиятини йўлга қўйиш бўйича тегишли чора-тадбирлар амалга оширилди.

Жумладан, Марказий банк қошида «Гаров реестри» давлат унитар корхонаси ташкил этилди. Шунингдек, Ҳукумат қарори билан Гаров реестрини юритиш тартиби тўғрисидаги Низом тасдиқланди ва мазкур Низомда гаров реестрини шакллантириш ва ундан фойдаланиш шартлари, шу жумладан, гаров реестрига маълумотларни киритиш, уларни ўзгартириш ва чиқариб ташлаш ҳамда гаров реестридан фойдаланиш шартлари белгилаб қўйилди.

«Гаров реестри» дастурий комплекси ишлаб чиқилиб, «Гаров реестри» давлат унитар корхонаси томонидан фойдаланишга қабул қилинди. «Гаров реестри» корхонаси учун www.garov.uz домен номи (манзили) расмийлаштирилди ва интернет тармоғида ишга туширилди.

Умуман олганда, банк инфратузилмасининг тобора кенгайиб ва тако-

миллашиб бораётганлиги, ўз навбатида, банк хизматлари бозорида рақобат муҳитининг ва кўрсатилаётган хизматлар сифатининг янада яхшиланишига ҳамда аҳолининг банк хизматларидан фойдаланиш даражасининг ошишига хизмат қилмоқда.



Тижорат банкларининг ресурс базасини кенгайтириш борасида амалга оширилган тадбирлар


2014 йилда республика банк тизимида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги ПҚ-1438-сонли Қарори билан белгиланган 2011-2015 йилларда тижорат банкларининг умумий капитал ҳажмини кўшимча акцияларини чиқариш ва жойлаштириш орқали камида 2,1 баробарга ошириш вазифасини бажариш юзасидан ишлаб чиқилган чора-тадбирлар дастурини амалга ошириш давом эттирилди.

Хусусан, 2014 йилда кўшимча акциялар ва қарз қимматли қоғозларини чиқариш ва жойлаштириш, аҳоли ва хўжалик субъектларининг бўш пул маблағларини жалб қилиш кўламини кенгайтириш ҳамда бошқа воситалардан самарали фойдаланиш орқали тижорат банкларининг умумий капитали ҳажми 2013 йилга нисбатан 25 фоизга ошиб, 2015 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, 6,9 трлн. сўмни ташкил этди.

2014 йил давомида тижорат банклари томонидан банк устав капиталини ошириш мақсадида 525,2 млрд. сўмлик, шу жумладан, «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг 222,6 млрд. сўмлик, «Агробанк»нинг 30,0 млрд. сўмлик, «Асака» банкнинг 68,8 млрд. сўмлик, «Ипотека-банк»нинг 43,2 млрд. сўмлик «Orient Finans» банкнинг 19,5 млрд. сўмлик, «Asia Alliance Bank»нинг 23,7 млрд. сўмлик ва «Қишлоқ қурилиш банк»нинг 33,3 млрд. сўмлик акциялари инвесторлар орасида жойлаштирилиб, шундан 209,2 млрд. сўмлик акциялар нодавлат сектор субъектларига сотилди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 23 майдаги «Ўзбекистон саноатқурилиш банкининг устав капиталини ошириш юзасидан кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-2179-сонли Қарорига мувофиқ, «Ўзсаноатқурилишбанк» устав капитални 2015 йилнинг 1 январь ҳолатига келиб, 541,2 млрд. сўмга (223,4 млн. АҚШ доллари эквивалентида) етказилди.

(Давоми 5-бетда).



янада қулайликлар яратиш мақсадида ташкил этилган мини-банк ва махсус кассалар сони 2014 йил якуни бўйича 4 244 тага етди, шундан 2 198 таси қишлоқ жойларда жойлашган.

2014 йилда банк тизимида молия-банк хизматлари кўламини замонавий ахборот-коммуникация технологияларини қўллаган ҳолда кенгайтиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Хусусан, аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларга қулай ва сифатли замонавий банк хизматларини кўрсатиш кўламини янада кенгайтириш мақсадида банк ҳисобварақларини масофадан бошқариш тизимлари («Банк-мижоз», «Интернет-банкнинг», «Мобиль-банкнинг», «SMS-банкнинг» ва бошқалар)нинг республика миқёси-

USTUVOR YO'NALISHLAR

2014 йилда пул-кредит соҳасидаги вазият ва монетар сиёсатнинг 2015 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари

(Давоми. Бошланиши 4-бетда).

Бугунги кунда 18 та тижорат банкининг акциялари «Тошкент» фонд биржаси листингига киритилган бўлиб, ушбу банкларнинг қимматли қоғозлари мунтазам равишда биржада котировка қилиниб, оммавий ахборот воситалари орқали эълон қилиб борилмоқда.

Банклар ресурс базасини кенгайтиришнинг яна бир муҳим йўналиши сифатида аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг бўш пул маблағларини банклардаги депозитларга жалб қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Қайд этиш лозимки, тижорат банклари томонидан аҳолининг талаби ва эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда янги омонат турларини жорий этиш ҳамда ушбу йўналишда кўрсатилаётган хизматлар сифатини янада яхшилаш бўйича кенг қўламли ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Ўз навбатида, аҳоли реал даромадларининг ўсиб бораётганлиги, банклардаги омонатларнинг давлат томонидан тўлиқ кафолатланганлиги, миқдорларнинг биринчи талабига кўра омонатлар қайтарилишининг таъминланганлиги ҳамда банк омонатларидан олинган фоизли даромадларнинг солиқдан озод қилинганлиги аҳолининг тижорат банкларидagi омонатлари ҳажмининг барқарор ошиб боришини таъминламоқда.

2015 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, тижорат банкларидagi аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектлар депозитларининг умумий ҳажми 2013 йилга нисбатан 30,5 фоизга ошиб, 28,5 трлн. сўмга етди.

Бундан ташқари, банкларнинг ресурс базасини мустаҳкамлаш, аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг бўш пул маблағларини жалб қилиш мақсадида тижорат банклари томонидан узоқ муддатли облигациялар ва депозит сертификатларининг чиқарилишига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Тижорат банкларининг муомалага чиқарилган қарз қимматли қоғозлари ҳажми 2015 йилнинг 1 январь ҳолатига 1,0 трлн. сўмни, жумладан, муомаладаги узоқ муддатли облигациялар 310,2 млрд. сўмни ва депозит сертификатлари миқдори 689,7 млрд. сўмни ташкил этмоқда.

Иқтисодиётнинг реал секторини молиявий қўллаб-қувватлаш ҳажминини кенгайтириш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар


Банкларнинг умумий капитали ва депозитлар базасининг янада мустаҳкамланиши банкларнинг ички манбалар ҳисобига кредитлаш ва инвестициялаш имкониятларини кенгайтириш орқали мамлакат иқтисодиётининг юқори суръатларда ўсишини молиявий қўллаб-қувватлашга хизмат қилмоқда.

Хусусан, тижорат банкларининг жами активлари ҳажми 2014 йилда 2013 йилга нисбатан 28,2 фоизга ошиб, 2015 йилнинг 1 январь

ҳолатига кўра, 56,2 трлн. сўмга етди **(3-диаграмма).**

Шу жумладан, 2014 йилда тижорат банкларининг кредит қўйилмалари умумий ҳажми 2013 йилга нисбатан 31,2 фоизга ўсиб, 2015 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, 34,8 трлн. сўмни ташкил этди **(4-диаграмма).**

Республика банк тизимида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 28 ноябрдаги «Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида»ги ПФ-4058-сонли Фармони, бошқа фар-



мон ва қарорларига мувофиқ, иқтисодиётнинг реал секторини молиявий қўллаб-қувватлаш ҳажминини янада ошириш, шу жумладан, янги ишлаб чиқариш корхоналарини барпо этиш, мавжуд корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш бўйича инвестициявий лойиҳаларни молиялаштиришда банкларнинг иштирокини янада кенгайтиришга алоҳида эътибор берилмоқда.

2014 йил мобайнида корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш мақсадларига тижорат банклари томонидан жами 8,5 трлн. сўм ёки 2013 йилга нисбатан 1,2 баробар кўп инвестицион кредитлар ажратилди **(5-диаграмма).**

Бунда банкларнинг инвестицион кредитлари устувор равишда «2011-2015 йилларда саноатни ривожлантириш», «2014 йилги Инвестиция дастури» ҳамда тармоқларни модернизация қилиш, маҳаллийлаштириш ва худудларни ривожлантириш Давлат дастурларига киритилган лойиҳаларни молиявий қўллаб-қувватлашга, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан ишлаб чиқариш технологияларини сотиб олишга йўналтирилмоқда.

Жумладан, 2014 йил давомида тижорат банклари томонидан:

– Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 26 январдаги «Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-1047-сонли Қарорини ижро этиш доирасида озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи маҳаллий корхоналарга 1,6 трлн. сўм ёки 2013 йилга нисбатан 1,3 баробар кўп;

– Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 28 январь

даги «Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-1050-сонли Қарорига мувофиқ, ноозиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарга 1,7 трлн. сўм миқдорига ёки 2013 йилга нисбатан 1,3 баробар кўп кредитлар ажратилди.

Шунингдек, «Соғлом бола йили» Давлат дастури доирасида 2014 йил давомида жами 3,8 трлн. сўм, шу жумладан, тадбиркор аёлларни молиявий қўллаб-қувватлашга 960,2 млрд. сўм, ёш оилаларга уй-жой сотиб олиш, қуриш ва реконструкция қилиш учун 234,8 млрд. сўм ҳамда аёлларнинг ижтимоий-маиший шароитларини яхшилаш ва кундалиқ уй меҳнатини енгиллаштириш мақсадида уй-рўзгор буюмларини сотиб олишга 57,3 млрд. сўм миқдорига имтиёзли кредит маблағлари ажратилди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилган ишлар

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 11 мартдаги «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кредит беришни кўпайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-1501-сонли Қарори ва 2012 йил 18 июлдаги «Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4455-сонли Фармони ҳамда бошқа қарорларига мувофиқ, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлаш ҳажминини янада ошириш, кредитлаш

шартларини соддалаштириш, уларга банк хизматларидан фойдаланиш борасида қўшимча имтиёз ва қулайликлар яратиш бўйича чора-тадбирлар изчиллик билан амалга ошириб келинмоқда.

Жумладан, 2014 йил давомида:

– кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кредит ажратиш учун аризаларни кўриб чиқиш муддати 3 банк кунига қисқартирилди;

– банк ҳисобварағини очиш, давлат бюджетига уларнинг ҳисобварақларидан солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашда банк хизмати учун тўлов ундириш ва нотариал тасдиқланган имзолар намунасини олиш бекор қилинди;

– ҳисобварақларга электрон кўринишда хизмат кўрсатиш учун олинган тўлов миқдори 20 фоизга қисқартирилиб, молия-банк соҳасида 8 турдаги рухсат бериш тамойиллари бекор қилинди;

– инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш учун кредитлар тўлаш муддатини узайтириш ҳуқуқсиз 5 йилгача муддатга берилиши бўйича меъёр бекор қилиниб, инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш муддати тижорат банкининг Кенгаши томонидан тасдиқланадиган «Банкнинг кредит сиёсати»да акс этириладиган бўлди;

– тижорат банкларига кичик тадбиркорлик субъектларига кредит беришда кредитнинг умумий суммасида қарз олувчининг гаров таъминотини расмийлаштириш билан боғлиқ харажатларни ҳисобга олиш ҳуқуқи берилди.


Амалга оширилган тадбирлар натижасида 2014 йил давомида тижорат банклари томонидан мазкур соҳа субъектларига барча молиялаш манбалари ҳисобидан ажратилган кредитлар ҳажми 2013 йилга нисбатан 1,3 баробарга ошиб, қарийб 9,2 трлн. сўмни ташкил этди **(6-диаграмма).**

Хусусан:

– ажратилган микрокредитлар 1,9 трлн. сўмни ташкил этиб, бу кўрсаткич ҳам 2013 йилга нисбатан 1,4 баробарга ўсди;

– халқаро молиявий институтлар ва хорижий мамлакатлар ҳукуматларининг кредит линиялари, грантлари ҳисобидан 157,8 млн. АҚШ доллари миқдорига кредит маблағлари ажратилди ёки белгиланган прогноз кўрсаткич 121,4 фоизга бажарилди;

– имтиёзли кредит бериш махсус жамғармаси ҳисобидан устувор равишда олис ва бориш қийин бўлган туманларда, шунингдек, ортиқча меҳнат ресурсларига эга бўлган туман ва шаҳарларда жойлашган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига 61 млрд. сўм миқдорига имтиёзли кредит маблағлари ажратилди.



Шунингдек, касб-хунар коллежлари битирувчиларини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаларига кенг жалб қилиш, уларнинг ўз бизнесларини йўлга қўйишлари, тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ лойиҳаларини молиялаштиришга 201 млрд. сўм (2013 йилга нисбатан 1,4 баробарга кўп) кредит маблағлари йўналтирилди.

(Давоми 6-бетда).

USTUVOR YO'NALISHLAR

2014 йилда пул-кредит соҳасидаги вазият ва монетар сиёсатнинг 2015 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари

(Давоми. Бошланиши 5-бетда).

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 6 июндаги 175-сонли қарорига асосан Ўзбекистон банклари ассоциацияси ҳузурида ташкил этилган Инвестиция лойиҳалари бўйича лойиҳа ҳужжатларини тайёрлашни молиялаштириш жамғармаси томонидан 2014 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этилган лойиҳаларнинг 33 таси маъқулланиб, мазкур инвестиция лойиҳалари бўйича тегишли ҳужжатлар ишлаб чиқиши молиялаштирилди.

2015 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, республикамизда фаолият юритаётган барча тижорат банклари (26 та) «Фитч Рейтингс», «Мудис» ва «Стандарт энд Пурс» каби нуфузли халқаро рейтинг агентликларининг «барқарор» рейтинг баҳоларига эга.

Шунингдек, тадбиркорлик субъектларининг 105 та лойиҳалари доирасида тижорат банклари томонидан 49,3 млрд. сўм миқдорда кредитлар ажратилди.

Таъкидлаш лозимки, мамлакатимизда банк тизимида бизнесни юритиш шарт-шароитларини энгиллаштириш ва арзонлаштириш ҳамда тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлашни янада кенгайтириш борасида амалга оширилаётган ишлар халқаро молиявий ташкилотлар томонидан юқори баҳолашиб келинмоқда.

Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг 2014 йилнинг октябрь ойида эълон қилинган тадбиркорлик фаолиятини юритиш шарт-шароитлари бўйича «Бизнесни юритиш – 2015» навбатдаги йиллик ҳисоботида бизнесни юритиш шарт-шароитлари бўйича республикамизнинг рейтинг кўрсаткичи 2014 йилнинг ўзига 8 поғонага кўтарилди.

Шу жумладан, кредитлаш шартлари бўйича сўнгги икки йилда мамлакатимизнинг рейтинги 50 поғонага, яъни 154-ўриндан 104-ўрингача кўтарилди. Бунда ушбу кўрсаткич бўйича кўтарилди 2013 йилда 24 поғонани, 2014 йилда эса 26 поғонани ташкил этди.

Шунингдек, «Кредит ахбороти алмашинуви индекси» бўйича Ўзбекистон банк тизими мавжуд 8 балли тизимда 7 баллга баҳоланди ва бу кўрсаткич Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти (OECD)га аъзо давлатлар бўйича ўртача кўрсаткичдан юқоридир.

Кредит ташкилотлари фаолиятини тартибга солиш ва банк назорати тизимини такомиллаштириш борасида амалга оширилган ишлар

2014 йилда банк тизими барқарорлигини таъминлаш мақсадида банк назоратини халқаро андозаларга мувофиқ ҳолда такомиллаштириш ишлари давом эттирилди.

Банк назорати соҳасидаги ислохотлар банкларнинг кредиторлари,

омонатчилари ва миқозлари манфатларининг ҳимояланиш даражасини янада ошириш, банкларнинг ўрнатилган иқтисодий нормативлар ва қонунчилик талабларига тўлиқ риоя қилишларига эришиш тадбирлари орқали амалга оширилди.

Хусусан, тижорат банкларининг фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш механизмларини янада такомиллаштириш мақсадида:

– «Тижорат банкларининг молиявий ҳолати ва барқарорлигини баҳолаш ҳамда уларнинг натижаларини кўриб чиқиш Тартиби» ва «Активлар сифатини таснифлаш, тижорат банклари

томонидан улар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун захираларни шакллантириш ва ундан фойдаланиш

Тартиби»га асосан, тижорат банкларининг капитал етарлилиги, ликвидлиги, активлар сифати ва диверсификацияси ҳамда банк Бошқаруви органларининг фаолияти самарадорлиги;

– банк операцияларини амалга оширишда операцион ва бозор таваккалчиликларини баҳолаш бўйича «Тижорат банкларининг банк таваккалчиликларини бошқаришига нисбатан қўйиладиган талаблар тўғрисида»ги Низомга мувофиқ, ҳар бир банкда бевосита банк Кенгашига бўйсунувчи Таваккалчиликларни назорат қилиш қўмиталарининг фаолияти доимий равишда мониторинг қилиб борилди.

Ўз навбатида, «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонуннинг 53-моддасига асосан банклар ва уларнинг филиаллари томонидан иқтисодий нормативларни белгиловчи қонун ҳужжатлари талаблари бузилган тақдирда уларга нисбатан Марказий банк томонидан тегишли чоралар ва санкциялар қўлланилиб, йўл қўйилган хато ва камчиликлар бартараф этилди.

Юқоридагилар билан бирга, 2014 йилда тижорат банклари фаолиятини баҳолаш тизимини халқаро рейтинг компанияларининг мезон ва андозалари асосида амалга ошириш, банк назорати бўйича халқаро Базель қўмитасининг янги тавсияларини амалиётда қўллаш, тижорат банкларининг бухгалтерия ва молиявий ҳисоботларини халқаро талабларга мувофиқлаштириш борасида Жаҳон банки ва Халқаро валюта фонди билан ҳамкорлик ишлари давом эттирилди.

Жумладан, мамлакатимиз банк назорати тизимини халқаро стандартларга мос равишда такомиллаштириш ва халқаро Базель қўмитасининг янги тавсияларини жорий қилиш бўйича Жаҳон банкининг техник ёрдам дастури доирасида 2014 йилнинг 6 – 10 январь ва 29 апрель – 10 май кунлари давомида республикамизга ташриф буюрган миссияси билан бирга тижорат банкларида корпоратив бошқарув сифати ва самара-

дорлигини ошириш, операцион ва фоиз хатари устидан назоратни кучайтириш, жамланма назоратни, молиявий ҳисоботларни ва банкларни рейтинглаш амалиётини янада такомиллаштириш масалалари ҳар томонлама кўриб чиқилди.

Ўзаро ҳамкорлик алоқаларининг давоми сифатида Халқаро валюта фонди экспертлари томонидан 2014 йилнинг 2 – 12 сентябрь кунлари республикамизга навбатдаги ташрифи чоғида тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини баҳолашнинг назорат тизимини ва ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш юзасидан билдирилган тавсиялар асосида Марказий банкнинг «Тижорат банкларининг капитал етарлилиги бўйича талаблар тўғрисида»ги ва «Тижорат банкининг ликвидлигини бошқариш бўйича талаблар тўғрисида»ги Низомларига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Тижорат банклари фаолиятининг етакчи халқаро рейтинг агентликлари томонидан баҳоланиши

2015 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, республикамизда фаолият юритаётган барча тижорат банклари (26 та) «Фитч Рейтингс», «Мудис» ва «Стандарт энд Пурс» каби нуфузли халқаро рейтинг агентликларининг «барқарор» рейтинг баҳоларига эга.

Республикамизнинг етакчи банклари – Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, «Асака» банк, «Ипотека-банк», «Ўзсаноатқурилишбанк», «Агро-банк», «Ҳамкорбанк» ва «Ипак йўли» банки бир йўла иккита етакчи халқаро рейтинг агентликларининг «барқарор» рейтинг баҳоларини олишган.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, 2014 йилнинг 15 апрель куни «Мудис» халқаро рейтинг агентлиги «Ўзбекистон банк тизимининг ривожланиш истиқболи» мавзусидаги навбатдаги ҳисоботини эълон қилиб, Ўзбекистон банк тизимининг ривожланиш истиқболлини кетма-кет бешинчи йил «барқарор» даражада тасдиқлади.

Шунингдек, 2014 йил декабрь ойида «Стандарт энд Пурс» ва «Фитч рейтингс» рейтинг агентликлари Ўзбекистон банк тизими ривожланиш истиқболларини яна бир бор «барқарор» баҳолади.

Бу эса ўз навбатида, маҳаллий ва хорижий сармоядорларнинг республикамиз банк тизимига бўлган ишончини янада мустаҳкамлаб, банкларнинг халқаро молиявий институтлар билан ҳамкорлигини янада кенгайтириш ҳамда уларнинг кредит линияларини жалб этиш имкониятларини оширишга хизмат қилмоқда.

МОНЕТАР СИЁСАТНИНГ 2015 ЙИЛГА МЎЛЖАЛЛАНГАН МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ

2015 йилда монетар сиёсат, унинг бош мақсади – миллий валютанинг барқарорлигини таъминлашга ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ри-

вожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида белгилаб берилган вазифаларнинг бажарилишига қаратилади.

Хусусан:

– иқтисодиётдаги таркибий қайта ўзгартиришларни янада кенгайтириш, саноатнинг етакчи тармоқларини модернизациялаш ва фаол диверсификациялаш, ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш;

– хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги барча тўсиқлар ва чеклашларни бартараф этиш, уларга тўлиқ эркинлик бериш;

– иқтисодиётда давлат иштироки даражасини танқидий баҳолаш, уни стратегик ва иқтисодий асосланган ўлчамларгача қисқартириш;

– корпоратив бошқарув тизимидаги тамойиллар ва ёндашувларни тубдан ўзгартириш, шунингдек, ишлаб чиқариш, ташқи иқтисодий ва инвестиция жараёнларининг корпоратив менежментига доир халқаро замонавий стандартларни жорий этиш;

– ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни чуқурлаштириш, тармоқлараро саноат кооперациясини кенгайтириш;

– ривожланган инфратузилмани, биринчи навбатда, ахборот-коммуникация, йўл-транспорт ва муҳандислик-коммуникация тизимларини ривожлантириш;

– аҳоли бандлигини таъминлаш, энг аввало, касб-хунар коллежлари ва олий таълим муассасалари битирувчиларини ишга жойлаштириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш;

– кекса авлод вакилларига ғамхўрлик ва эътиборни кучайтириш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳаётига тегишли мавжуд муаммоларни ҳал этиш. «Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастурини амалга ошириш каби вазифалар 2015 йилги пул-кредит сиёсатининг ва банк тизими фаолиятининг энг муҳим устувор йўналишлари этиб белгилаб олинди.

2015 йилда республикамизда ялпи ички маҳсулотнинг 8,0 фоизга, шу жумладан, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажмининг 8,3 фоизга ва қишлоқ хўжалигида 6,0 фоизга ўсиши прогноз қилинмоқда.

Иқтисодий ўсишнинг ушбу юқори суръатлари, аввало, ишлаб чиқаришни кенгайтириш, модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш ҳисобига ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга, пуллик хизматлар ва сервис соҳасини ривожлантиришга қаратилган инвестициялар ҳажмининг ўсиши ҳамда ички талабни рағбатлантириш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар, шунингдек, экспорт ҳажмининг янада ортиши ҳисобига таъминланади.

(Давоми 7-бетда).

USTUVOR YO'NALISHLAR

2014 йилда пул-кредит соҳасидаги вазият ва монетар сиёсатнинг 2015 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари

(Давоми. Бошланиши 6-бетда).

Хусусан, 2015 йилда иқтисодий таркибий жиҳатдан диверсификация қилишни чуқурлаштириш, юқори технологияларга асосланган янги корхоналарни барпо этиш ва мавжуд корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, кичик бизнесни, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ҳамда ижтимоий-иқтисодий инфратузилмани ривожлантириш каби инвестицион лойиҳаларни амалга оширишга йўналтириладиган капитал қўйилмалар реал ҳажмининг 2014 йилга нисбатан 10,1 фоизга ўсиши прогноз қилинмоқда.

Бунда мамлакат иқтисодийига жалб этиладиган хорижий инвестициялар ва кредитлар ҳажмининг 3,5 млрд. АҚШ долларидан зиёдни ташкил этиши кутилмоқда.

Ўз навбатида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 7 апрелдаги «Ўзбекистон Республикасида инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-4609-сонли Фармони ҳамда бошқа фармон ва қарорларида мамлакатда ишбилармонлик ва инвестицион муҳитни тубдан яхшилаш бўйича белгилаб берилган вазифаларнинг изчиллик билан бажарилиши ҳисобига 2015 йилда аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектлар инвестицион фаоллигининг янада ошиши таъминланади.

Жумладан, жаҳон амалиётида умумқабул қилинган бизнесни юритиш шароитларини баҳолаш мезонлари тизимини жорий этиш ва шу асосда мамлакатимизнинг халқаро нуфузини янада юқори даражаларга олиб чиқишга алоҳида эътибор қаратилади.

Экспортни рағбатлантириш ва маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасидаги чора-тадбирларни амалга оширишнинг давом эттирилиши ҳамда жаҳон бозорида республика-мизда ишлаб чиқарилаётган асосий экспорт маҳсулотларига талаб ва нархлар прогнозини инобатга олган

ҳамда умуман божхона маъмуриятчилигини соддалаштириш ва эркинлаштириш борасидаги ислохотларнинг изчил давом эттирилиши 2015 йилда ҳам мамлакат экспортининг юқори суръатларда ўсишига хизмат қилади.

2015 йилда ҳам Ҳукумат томонидан бандликни таъминлаш ва аҳоли даромадларини ошириш масалаларига алоҳида эътибор берилиши аҳоли истеъмол талабининг, шу жумладан, узоқ муддатли товар ва хизматларга бўлган талабининг ўсишида ўз аксини топади ҳамда иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини таъминлашга хизмат қилади.

Солиқ-бюджет сиёсатида амалга оширилиши режалаштирилаётган чора-тадбирлар ҳам мамлакатда макроиқтисодий барқарорликни таъминлашга ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини қўллаб-қувватлашга қаратилган бўлиб, давлат бюджетининг даромадлари ва харажатлари прогнозларидан келиб чиққан ҳолда, бюджет тақчиллигини ялпи ички маҳсулотга нисбатан 1 фоиздан оширмасликни ҳамда унинг тўлиқ ноинфляция манбалар ҳисобидан молиялаштирилишини назарда тутди.

Ўз навбатида, 2015 йилда ялпи ички маҳсулот дефлятори прогнозининг 2014 йилдаги 12,6 фоиздан 12,1 фоизгача пасайиши, иқтисодий ётда ишлаб чиқариш ҳажми ва самардорлигини ошириш ҳамда маҳсулот таннархини пасайтиришга қаратилган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши ва жаҳон бозоридаги хомашё ва товарлар нархлари динамикасининг прогнозини инобатга олиб, 2015 йил учун инфляция даражаси мақсадли кўрсаткичи 2014 йилдаги кўрсаткичга (6-7 фоиз) нисбатан пасайтирилиб, 5,5-6,5 фоиз доирасида белгиланмоқда.

Пул-кредит кўрсаткичларининг прогнози ва уларга эришишда монетар сиёсат инструментларидан фойдаланиш

2015 йилга мўлжалланган пул-кредит кўрсаткичлари прогнози юқорида қайд этилган Ҳукумат томонидан тасдиқланган асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар прогноз параметрларидан келиб чиқиб белгиланмоқда.

Бунда инфляция даражасининг белгиланаётган мақсадли параметрлар доирасида бўлишини таъминлаш ва ялпи ички маҳсулотнинг кўзда тутилаётган ўсиш суръатини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадларидан келиб чиққан ҳолда, 2015 йилда ўртача йиллик пул массасининг ялпи ички маҳсулотга нисбатини 1,0 фоиз банддан юқори бўлмаган миқдорда ошириш кўзда тутилмоқда.

Ўз навбатида, мамлакат ялпи ички маҳсулотининг ўсишига мос равишда тижорат банклари томонидан

иқтисодий кредитлаш ҳажмининг кенгайтирилиши ҳамда мамлакат тўлов баланси, хусусан, ташқи савдо баланси ижобий сальдосининг таъминланиши натижасида банк тизими соф ташқи активларининг кўпайиши 2015 йилда ҳам муомаладаги пул массаси ошишининг асосий омиллари бўлиб хизмат қилиши кутилмоқда.

2015 йилнинг 1 январидан бошлаб Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси 10 фоиздан 9 фоизгача туширилди.

Жумладан, ялпи ички маҳсулотнинг кўзда тутилаётган ўсиш суръатларини молиявий таъминлаш мақсадида иқтисодийнинг реал секторига йўналтирилаётган кредит қўйилмалари ҳажмининг камида 25 фоизга ўсиши прогноз қилинмоқда.

Ўз навбатида, 2015 йилда ҳам Марказий банк муомаладаги пул массасини тартибга солишда монетар сиёсатининг бозор инструментларидан кенг фойдаланиш ва уларнинг самардорлигини ошириб бориш бўйича ишларни давом эттиради.

Бунда асосий эътибор, инфляциянинг мақсадли кўрсаткичлар доирасида бўлишини ва иқтисодий ётда пулга бўлган талаб ва таклифнинг мутаносиблигини таъминлашга қаратилади.

Шу билан бирга, банк тизимида ликвидлик танқислиги вужудга келишининг олдини олиш ва аксинча тизимдаги ортиқча ликвидликнинг иқтисодий ётда инфляция босимининг кучайишига олиб келишига йўл қўймаслик мақсадида банк тизими ликвидлигини мақбул даражада ушлаб туриш учун зарурий чоралар кўриб борилади.

Хусусан, ташқи савдо баланси ижобий сальдосининг таъминланиши натижасида банк тизимида вужудга келиши мумкин бўлган ортиқча ликвидликнинг инфляция босими олдини олиш ҳамда пул массасини тартибга солиш мақсадида тижорат банкларининг бўш турган пул маблағларини Марказий банкдаги муддатли депозитларга жалб қилиш орқали стерилизация операциялари ўтказиб борилади.

Шунингдек, иқтисодийнинг устувор тармоқларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида ташкил этилган Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасига тегишли маблағлар йўналтирилишининг давом эттирилиши пул массаси ўсишининг олдини олишга ва уни белгиланган мақсадли кўрсаткич доирасида ушлаб туришга хизмат қилади.

Ўз навбатида, 2015 йилда юқори иқтисодий ўсиш суръатларини ва иқтисодийнинг реал секторига инвестицион фаолликни қўллаб-қувватлаш мақсадида ҳамда истеъмол нархлари индекси бўйича ҳисобланадиган инфляциянинг ва ЯИМ дефляторининг пасайиши прогноз

қилинаётганлигини инобатга олиб, 2015 йилнинг 1 январидан бошлаб Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси 10 фоиздан 9 фоизгача туширилди.

Қайта молиялаш ставкасининг туширилиши натижасида кредитлар бўйича фоиз ставкаларининг янада пасайиши ва бунинг оқибатида хўжалик юритувчи субъектларнинг банк

кредитларини тўлашдаги фоиз тўловлари бўйича харажатларининг камайиши

ҳамда банк кредитларига бўлган талабнинг ошиши кутилмоқда.

Бундан ташқари, пул массасининг ва пул бозоридаги фоиз ставкаларининг ўзгариш динамикасида ҳамда тижорат банклари томонидан иқтисодийга ажратилаётган кредитлар ҳажмининг ўсиш суръатларидан келиб чиққан ҳолда мажбурий захиралар нормаси зарур ҳолларда ўзгартириб борилади.

2015 йилда ҳам валюта сиёсатини амалга оширишда асосий эътибор миллий валюта барқарорлигини таъминлашга ҳамда экспортбоп ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришни янада рағбатлантиришга қаратилади. Бунда сўмнинг АҚШ долларига нисбатан алмашув курсини белгиланган коридор доирасида босқичма-босқич девальвация қилиб бориш орқали унинг реал эффектив алмашув курсининг пасайиб бориши ва шу орқали мамлакатимиз экспортёрлари рақобатбардошлигининг ошиши таъминланади.

Ўз навбатида, сўмнинг алмашув курси кескин тебранишининг олдини олиш ва унинг белгиланган коридор доирасида бўлишини ҳамда ички валюта бозоридаги барқарорликни таъминлаш мақсадида Марказий банк банкларо валюта бозоридаги операцияларда фаол иштирок этиб боради.

Бунда Марказий банк, зарур ҳолларда, тижорат банкларидан хорижий валюталарни (АҚШ доллари, евро, япон иенаси ва фунт стерлинг) белгиланган муддат ва алмашув курсида қайта сотиш шарти билан, сотиб олиш (СВОП операциялари) ёки хорижий валюталарни гаровга олган тарзда қайта молиялаш кредитларини бериш операцияларини амалга оширади.

Умуман олганда, юқорида санаб ўтилган чора-тадбирларнинг уйғунлиқда амалга оширилиши ва монетар сиёсат инструментларини қўллаш механизмларини бозор тамойиллари асосида такомиллаштириб борилиши Марказий банк томонидан олиб борилаётган пул-кредит сиёсатининг макроиқтисодий кўрсаткичларга таъсир каналларини кучайтиришга, банк тизими ликвидлигини таъминлашга ва пул бозорида ижобий фоиз ставкаларининг шаклланишига хизмат қилади.

(Давоми 8-бетда).

2015 йил учун инфляция даражаси мақсадли кўрсаткичи 2014 йилдаги кўрсаткичга нисбатан пасайтирилиб, 5,5-6,5 фоиз доирасида белгиланмоқда.

ҳолда, 2015 йилда ҳам мамлакатимиз тўлов баланси, шу жумладан, ташқи савдо баланси ижобий сальдосининг сақланиб қолиши прогноз қилинмоқда.

Хусусан, мамлакатда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ташқи иқтисодий фаолиятда кенг иштирок этиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш, уларнинг маҳсулотларини ташқи бозорларга олиб чиқишга қўмаклашиш, экспорт шартномаларини рўйхатдан ўтказиш жараёнини

USTUVOR YO'NALISHLAR

2014 йилда пул-кредит соҳасидаги вазият ва монетар сиёсатнинг 2015 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари

(Давоми. Бошланиши 7-бетда).

БАНК ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ ВА БУ БОРАДА АМАЛГА ОШИРИЛАДИГАН ИСЛОХОТЛАР

2015 йилда банк тизимини ислох қилиш ва янада ривожлантиришда асосий эътибор Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги ПҚ-1438-сонли Қарори билан тасдиқланган «2011 – 2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислох қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари бўйича комплекс чора-тадбирлар Дастури»да ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг банк тизимига оид бошқа қарорларида белгилаб берилган вазифаларнинг сифатли бажарилишини таъминлашга қаратилади.

Шунингдек, 2015 йил учун банк тизимини ислох қилиш ва ривожлантириш устувор йўналишларини ишлаб чиқишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2014 йил 28 августдаги «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви раисининг Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2013 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи ҳақида»ги СҚ-440-II-сонли Қароридан банк тизими олдида кўйилган устувор вазифа ва топшириқларнинг ижроси инobatга олинган.

Хусусан, ушбу вазифалар доирасида 2015 йилда республика банк тизимининг барқарорлигини янада ошириш, банк назорати тизимини Базель кўмитасининг янги тавсиялари асосида такомиллаштириш, тижорат банкларининг ресурс базасини янада мустаҳкамлаш, уларнинг инвестицион фаоллигини кучайтириш ҳамда янги ишлаб чиқариш корхоналарини барпо этиш, мавжуд корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш бўйича инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришда банкларнинг иштирокини янада кенгайтириш каби муҳим чора-тадбирларни давом эттириш режалаштирилмоқда.

Бунда банк тизимини янада ривожлантириш борасидаги тадбирлар қуйидаги асосий йўналишлар бўйича амалга оширилади:

1. Тижорат банклари фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш тизимини халқаро андоза ва меъёрлар, шу жумладан, банк назорати бўйича Базель кўмитасининг янги тавсиялари асосида такомиллаштириш бўйича ишларни давом эттириш.

2015 йилда банк назорати бўйича Базель кўмитасининг банк ликвидлиги борасидаги янги тавсияларига («Базель III» талабларига) мувофиқ, республика банк тизими ликвидлигини янада мустаҳкамлаш мақсадида 2015 йилнинг 1 январидан бошлаб ликвидликни таъминлаш бораси-

даги мавжуд талабларни бажариш муддати 30 кундан ортиқ бўлган мажбуриятлар бўйича қўшимча меъёрларни жорий қилиш ҳисобига янада кучайтирилиб борилади.

Шунингдек, 2015 йилда тижорат банклари фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш тизимини янада такомиллаштиришда асосий эътибор:

- алоҳида банклар молиявий ҳолати ёмонлашишининг олдини олиш ҳамда кредит ташкилотларининг ўзаро боғлиқлигини камайтириш мақсадида янги халқаро андозаларга мувофиқ капиталлашув ва рискларни бошқаришга бўлган талабларни янада кучайтиришга;

- банк тизимидаги тизимли таваккалчиликларни аниқлашга қаратилган макропруденциал таҳлилнинг замонавий усулларини жорий қилиш бўйича ишларни давом эттиришга;

- илғор халқаро тажрибага асосланган ҳолда банкларнинг ликвидлик рискига таъсирчанлигини макромоделлардан фойдаланган ҳолда стресстестлардан ўтказиш амалиётини такомиллаштириш ва жорий қилиш кўламинини янада кенгайтиришга;

- иқтисодий, жумладан, хусусий сектор корхоналари ва аҳолини кредитлаш кўламининг узлуксиз кенгайтириб борилиши жараёнида юзга келиши мумкин бўлган кредит рискни камайтириш борасидаги зарурий тадбирларни амалга ошириб боришга;

- рискларни бошқаришнинг ички тизимларига катта урғу берилган ҳолда харажатлар ва даромадларнинг мақбул таркиби ва даражасини таъминлаш орқали банкларнинг операция фаолияти самарадорлигини

инвесторлар ва ҳамкорларни жалб қилиш шароитларини янада яхшилаш мақсадида банкларнинг бошқарув органлари фаолияти тўғрисидаги маълумотларнинг акциядорлар, омонатчилар, бошқа манфаатдор шахслар ҳамда молия ва пул бозори иштирокчилари учун очиқлигини таъминлаш борасидаги ишларни кенгайтириш;

- банклар фаолиятини бошқариш жараёнида самарали ва тўғри қарорлар қабул қилинишини таъминлашда жамоавий тажрибани ривожлантириш мақсадида банк Кенгашининг мақбул таркиби, Кенгаш аъзоларининг белгиланган малакавий талабларга риоя этишлари устидан назоратни кучайтириш;

- банк Кенгашлари таркибини шакллантириш жараёнида юқори малакали ва бетараф аъзоларни танлаш ва тайинлаш тартибининг жорий этиш орқали Кенгашлар мустақиллигини ошириш бўйича тегишли чора-тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилмоқда.

3. Тижорат банклари капиталлашув даражасини янада ошириш, ресурс базасини мустаҳкамлаш ва диверсификациялаш.

Бунда асосий эътибор:

- тижорат банкларининг капиталлашув даражаси камида 20 фоиз миқдорда ўсишини, шунингдек, банк акцияларини чиқариш ва уларни аҳоли ва бошқа инвесторлар ўртасида жойлаштириш орқали банк устав капиталининг ўсиб боришини таъминлашга;

- банк тизимининг умумий устав капиталда нодавлат сектор улушини ошириш бўйича қабул қилинган чора-тадбирларни сифатли амалга оширишга;

- акциялар чиқарилаётганлиги ва уларнинг фонд биржасида сотилаётгани ҳақида республика ва маҳаллий оммавий ах-

борот воситаларида олиб борилаётган тарғибот ишларининг таъсирчанлигини янада оширишга қаратилади.

Ўз навбатида, тижорат банклари ресурс базасини янада мустаҳкамлаш мақсадида бозор воситалари ва механизмларидан самарали фойдаланиш ҳисобига, шу жумладан, аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда омонатлар ва депозитларнинг янги турларини мунтазам жорий этиб бориш, муомалага узоқ муддатли облигациялар, депозит сертификатлари ва бошқа қимматли қоғозлар чиқаришга, шунингдек, субординанланган қарзларни фаол жалб этиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш режалаштирилмоқда.

Тижорат банкларидаги омонатларни бошқариш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида Ҳукумат қарорини ва унга мувофиқ Марказий банкнинг тегишли меъёрий ҳужжати-ни ишлаб чиқиш ҳамда унда:

- тижорат банкларининг депозит

сиёсатини янада такомиллаштириш;

- омонатларнинг шартномада кўрсатилган муддатларда тўлиқ қайтарилиши кафолатларини янада мустаҳкамлаш;

- омонатлар бўйича фоиз ставкаларини мақбуллаштириш;

- тижорат банкларининг умумий омонатлари таркибида узоқ муддатли омонатлар улушини ошириб бориш;

- омонатлар муддатларини банк активлари муддатларидан келиб чиққан ҳолда оптималлаштиришни кўзда тутовчи чора-тадбирларни акс эттириш мақсад қилинмоқда.

4. Иқтисодийнинг реал секторини молиявий қўллаб-қувватлаш ҳажминини янада ошириш, шу жумладан, тижорат банкларининг инвестицион фаоллигини кучайтириш ҳамда инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришдаги иштирокини янада кенгайтириш.

2015 йилда тижорат банклари томонидан иқтисодийнинг реал сектори корхоналарига ажратилган кредит қўйилмалари умумий ҳажмининг 2014 йилга нисбатан 25 фоиздан зиёд ўсиши прогноз қилинмоқда.

Хусусан, 2015 йилда янги ишлаб чиқариш корхоналарини барпо этиш, мавжуд корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш ҳамда қишлоқ жойларда замонавий лойиҳалар бўйича яқка тартибдаги янги турар-жойларни барпо этиш мақсадларига тижорат банклари томонидан барча манбалар ҳисобидан 2014 йилга нисбатан 1,2 баробарга кўп инвестицион кредитлар ажратилиши режалаштирилмоқда.

Шу билан бирга, иқтисодий кредитлаш ҳажминини кенгайтириш натижасида келиб чиқиши мумкин бўлган кредит хатарларининг олдини олиш мақсадида тижорат банклари томонидан активларни диверсификация қилиш, шу жумладан, кредит портфелини яхшилаш, таваккалчиликларни самарали бошқаришга қаратилган зарур чора-тадбирлар мунтазам равишда амалга ошириб борилади.

5. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича ишларни янада фаоллаштириш.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадларига 2015 йилда тижорат банклари томонидан 2014 йилга нисбатан 1,3 баробар кўп кредитлар ажратилиши режалаштирилмоқда.

Бунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлашнинг қуйидаги воситаларидан:

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг, фермер хўжаликларининг ҳамда касб-хунар коллежлари битирувчиларининг, айниқса, қишлоқ жойларда иш ўринларини ташкил этишга қаратилган бизнес лойиҳаларни молиялаштиришга йўналтирилган кредит қўйилмаларининг ҳажминини ошириш;

(Давоми 9-бетда).

2015 йилда тижорат банклари томонидан иқтисодийнинг реал сектори корхоналарига ажратилган кредит қўйилмалари умумий ҳажмининг 2014 йилга нисбатан 25 фоиздан зиёд ўсиши прогноз қилинмоқда.

янада ошириш чораларини кўришга;

- турли молиявий воситаларда шакллантириладиган захиралар бўйича харажатларнинг банкларга тушадиган юкмасини камайтириш мақсадида динамик захиралар тизимини ривожлантириш каби зарур чора-тадбирларни амалга оширишга қаратилади.

2. Тижорат банкларида корпоратив бошқарув тизимини халқаро меъёр ва андозалар асосида янада такомиллаштириш борасидаги ишларни давом эттириш.

Хусусан, 2015 йилда:

- тижорат банкларидаги корпоратив бошқарув органлари фаолиятининг меъёрий-ҳуқуқий базасини янада такомиллаштириш ҳамда унинг юқори даражадаги шаффофлигини таъминлаш мақсадида турли меъёрий ҳужжатлар ва кўрсатмаларда банклардаги корпоратив бошқарув бўйича белгиланган норма ва талабларни ягона ҳужжатга бирлаштириш;
- банкларга янги мижозлар,

USTUVOR YO'NALISHLAR

2014 йилда пул-кредит соҳасидаги вазият ва монетар сиёсатнинг 2015 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари

(Давоми. Бошланиши 8-бетда).

– узоқ ва бориш қийин бўлган ҳудудларда жойлашган, шунингдек, ортиқча меҳнат ресурсларига эга бўлган туман ва шаҳарларда жойлашган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига, деҳқон ва фермер хўжалиқларига устувор равишда Тижорат банкларининг имтиёзли кредитлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан кредитлаш ҳажмини янада кенгайтириш;

– «Микрокредитбанк» томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ажратилган микрокредитлар ҳажмини ошириш имкониятларидан кенг фойдаланилади.

6. Кўрсатилаётган банк хизматларининг турини янада кенгайтириш ва сифатини яхшилаш, хусусан, банк инфратузилмасини, айниқса, қишлоқ жойларда ахборот-коммуникация технологияларини кенг қўллаган ҳолда масофадан туриб хизматлар кўрсатишни янада кенгайтириш.

Бу йўналишда банк тизими инфратузилмаси тармоғини, айниқса, қишлоқ жойларида ахборот-коммуникация технологияларини кенг қўллаган ҳолда, масофадан туриб хизматлар кўрсатишни кенгайтиришга, нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини янада ривожлантиришга ҳамда банк муассасаларини аҳоли ва ишлаб чиқариш корхоналари ҳудудларига янада яқинлаштириш борасида кенг қўламли тадбирларни амалга ошириш режалаштирилмоқда.

Жумладан, банк ҳисобварақларини масофадан бошқариш хизматлари («Банк-мижоз», «Интернет-банкнинг», «Мобиль-банкнинг», «SMS-банкнинг») кўрсатиш қўламини янада кенгайтириш бўйича тегишли чора-тадбирлар амалга оширилади.

Банк пластик карталарини муомалага чиқариш ҳажмини ва ўрнатилган терминаллар сонини ошириш ҳамда улардан самарали фойдаланиш орқали нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизими янада кенгайтирилади. Бунда умумий фойдаланишдаги телекоммуникация тармоқларини қўллаган ҳолда банк пластик карталари ёрдамида амалга ошириладиган ҳисоб-китоблар қўламини кенгайтириб боришда хавфсизлик даражасини оширишга алоҳида эътибор қаратилади.

Бундан ташқари, «Электрон ҳукумат» ахборот тизимлари таркибига киритилган Марказий банкнинг «Чакана тўловларни реал вақт режимида амалга ошириш, Клиринг тизимини яратиш ҳамда хизмат кўрсатувчиларнинг биллинг тизими билан интеграллаштириш» лойиҳасини амалиётга жорий этишни кенгайтириш мақсадида тегишли хизмат кўрсатувчи ташкилот ва корхоналарнинг мазкур Клиринг тизимига уланишини таъминлаш бўйича ишлар давом эттирилади.

7. Тижорат банклари ва банк-молия тизими фаолиятини баҳолаш тизимини халқаро амалиёт-

да қўлланиладиган меъёрлар, мезонлар ва андозаларни жорий этиш ҳисобига янада такомиллаштириш бўйича ишларни давом эттириш.

Хусусан, ушбу йўналишдаги ишлар доирасида:

– бутун молия-банк тизими фаолиятини баҳолаш ва таҳлил қилишнинг замонавий тизимини жорий этиш мақсадида етакчи халқаро рейтинг агентликлари томонидан қўлланиладиган баҳолаш меъёрлари, мезонлари ва андозаларини жорий

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадларига 2015 йилда тижорат банклари томонидан 2014 йилга нисбатан 1,3 баробар кўп кредитлар ажратилиши режалаштирилмоқда.

қилиш қўламини уларни нобанк ва бошқа молия ташкилотлари фаолиятини баҳолашда қўллаш ҳисобига кенгайтириш;

– республика тижорат банкларига етакчи халқаро рейтинг агентликлари томонидан берилган рейтинг баҳоларининг мунтазам равишда янгиланиб ва янада ошиб борилишини таъминлаш;

– етакчи халқаро рейтинг агентликларининг тавсияларига мувофиқ тижорат банкларида ҳисоб ва ҳисоботнинг замонавий технологиялари ва услубларини жорий этиш бўйича фаолиятни кучайтириш;

– молиявий ҳисоботларни халқаро талаблар асосида тайёрлаш ва тақдим қилишда унинг шаффофлиги, жумладан, халқаро таққосланувчанлик, даврийлик, муддатлилик ва сифатлилик тамойилларига риоя қилинишини таъминлаш;

– банклар ва уларнинг қимматли қоғозларига берилган рейтинг баҳолари, ушбу баҳоларнинг ошиши ёки пасайиши тўғрисидаги маълумотларни оммавий ахборот воситаларида мунтазам эълон қилиб бориш;

– етакчи халқаро рейтинг агентликлари томонидан қўлланиладиган тижорат банклари фаолиятини баҳолаш тизими, мезон ва андозалари бўйича банк тизими мутахассисларининг билим ва малакаларини ошириш тадбирлари тизимли равишда давом эттириб борилади.

8. Тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини халқаро меъёр ва стандартлар асосида янада такомиллаштириш.

2015 йилда Жаҳон банкнинг техник кўмагида амалга оширилаётган республика молия-банк тизими бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисобот тизимини Молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартларига (МХХС) тўлиқ мослаштириш борасидаги тадбирлар давом эттирилади.

Хусусан, тижорат банклари томонидан Йиллик молиявий ҳисоботларнинг МХХС талаблари асосида тайёрланишини ташкил этиш мақсади-

да «Тижорат банкларининг ҳисоб сиёсати» лойиҳасини ишлаб чиқиш режалаштирилмоқда.

Тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини тартибга солувчи амалдаги қонунчилик ва меъёрий ҳужжатларни МХХСга мослаштириш мақсадида уларга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш давом эттирилади.

Шунингдек, 2015 йилда МХХСни жорий этиш ва қўллаш бўйича молиявий ҳисоботни тайёрлашда бевосита иштирок этувчи тегишли мута-

хассисларни ўқитиш, билим ва малакаларини ошириш бўйича тижорат банклари билан биргаликда ўқув дастури ишлаб чиқиш ва амал-

га ошириш мўлжалланмоқда.

Республика молия-банк тизими бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботларини халқаро стандартларга мослаштириш бўйича ишларнинг давом эттирилиши банк фаолиятининг шаффофлигини оширишга, бу эса, ўз навбатида, хорижий инвесторлар ва халқаро ташкилотларнинг, омонатчилар ва миқозларнинг банк тизими тўғрисида етарлича маълумот олишига, миллий молия-банк тизимининг халқаро молиявий тизимга интеграциялашув жараёнларини тезлаштиришга хизмат қилади.

9. Микромолиялаш ва нобанк кредит ташкилотлари фаолиятини янада ривожлантириш.

2015 йилда нобанк кредит ташкилотлари тизимини ривожлантириш ва барқарорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилади ҳамда ушбу йўналишда нобанк кредит ташкилотлари фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш тизимини янада такомиллаштириш юзасидан янги меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш, шунингдек, амалдаги меъёрий ҳужжатларга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш режалаштирилмоқда.

Шунингдек, 2015 йилда:

– нобанк кредит ташкилотлари тизимида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишни кенгайтириш, дастурий таъминотлар асосида бухгалтерия ҳисоби ва бошқа молиявий ҳисоботларни тайёрлашни такомиллаштириб бориш;

– нобанк кредит ташкилотларининг молиявий ҳолати ва барқарорлиги маҳаллий рейтинг агентликлари томонидан баҳоламини янгиланган борилишини таъминлаш;

– Ўзбекистон Республикасининг «Гаров реестри тўғрисида»ги Қонуни ижросини таъминлаш мақсадида нобанк кредит ташкилотлари томонидан гаров реестри билан ахборот алмашиш тизимини жорий этиш;

– республикада нобанк кредит ташкилотларининг барқарор фаолият юритишини таъминлаш мақсади-

да Марказий банк томонидан нобанк кредит ташкилотлари фаолиятини масофадан туриб ва жойида назорат қилиш механизмларини янада такомиллаштириш ишлари давом эттирилади.

10. Гаров реестри тизими фаолиятини кенгайтириш ва ривожлантириш бўйича ишларни давом эттириш.

Республикада гаров реестри тизимини яратиш ва унинг тўлақонли фаолият юритишини таъминлаш борасида амалга оширилган ишларнинг давоми сифатида 2015 йилда:

– гаров реестрида гаров таъминоти воситаси сифатида қўйилган мол-мулкларга нисбатан кредиторларнинг ҳуқуқлари тўғрисидаги ва бошқа ёзувларни ўз ичига олган ягона ахборот базасини шакллантириш ва унинг тегишли маълумотлар билан мунтазам янгиланган борилишини таъминлаш;

– гаров реестрини юритувчи ташкилот билан тузилган шартнома асосида гаров реестрига ёзув киритиш ҳуқуқига эга бўлган кредитор ва қарздор сифатида қатнашаётган юридик ва жисмоний шахсларнинг гаров реестрига маълумотларни киритиш ва ундан тезкор фойдаланиш борасидаги имкониятларини ошириб бориш;

– гаров реестрининг унинг маълумотларидан фойдаланувчилар билан алоқа механизмларини такомиллаштириш ва техник имкониятларини ошириб бориш борасидаги чора-тадбирлар амалга оширилиши режалаштирилмоқда.

11. Молия-банк тизими фаолиятининг қонунчилик базасини халқаро андозалар ва тамойиллар асосида янада такомиллаштириш бўйича ишларни давом эттириш.

2015 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси муҳокамасига киритилган Ўзбекистон Республикасининг «Электрон тижорат тўғрисида»ги Қонуни янги таҳрирдаги лойиҳасининг Олий Мажлис палаталарида кўриб чиқиши кўзда тутилмоқда.

Шунингдек, молия-банк тизими фаолиятининг қонунчилик базасини такомиллаштириш чора-тадбирлари доирасида:

– Халқаро валюта фонди ва Жаҳон банки экспертлари тавсиялари асосида Марказий банкнинг банк назоратига оид меъёрий ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ва зарур ҳолларда янги меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

– операцион, кредит, валюта рисклари ҳамда депозит операциялари билан боғлиқ рискларни олдиндан аниқлаш ва уларни бартараф этиш борасидаги меъёрий талабларни янада такомиллаштириш;

– молиявий ҳисоботларни ва уларни эълон қилиш тизимини халқаро андозаларга мувофиқлаштириш борасидаги талабларни янада кучайтириш борасидаги бошқа бир қатор ишлар амалга оширилади.

E'TIROF

Ўзбекистон банк тизими халқаро рейтинг агентликлари томонидан «барқарор» дея баҳоланиб келинмоқда

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Республика тижорат банкларининг жами активлари ва кредит портфелининг юқори суръатларда ўсиши, асосан ички захиралар ва манбаларни янада кенгрок жалб этиш ҳисоби таъминланмоқда. Ички манбалар ҳисобидан ажратилган кредитларнинг улуши охириги 5 йилда 4,2 баробарга ошган бўлса, бугунги кунда уларнинг тижорат банклари умумий кредит портфелидаги улуши 86 фоизни ташкил этди.

Бу каби ўсиш суръатларини таъминлашда Марказий банкнинг пул-кредит сиёсати доирасида амалга оширилган чора-тадбирлар муҳим аҳамиятга эга. Хусусан, инфляция даражасининг пасайиш динамикасини ҳисобга олган ҳолда, иқтисодиётнинг реал секторидаги инвестициявий фаолликнинг ўсишини қўллаб-қувватлаш мақсадида Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси 2015 йилнинг 1 январдан 10 фоиздан 9 фоизга туширилди.

Юртимиз банк тизимида кузатилаётган ижобий ўзгаришлар, эришилаётган ютуқлар халқаро рейтинг агентликлари, хусусан, дунёнинг нуфузли «Standard & Poor's» ва «Fitch Ratings» халқаро рейтинг агентликлари томонидан яна бир бора «барқарор» юқори рейтинг баҳоси ҳамда «Moody's Investors Service» халқаро рейтинг агентлигининг кетма-кет бешинчи маротаба «барқарор» даражасида қайта тасдиқланди.

Кувонарли жиҳатлардан яна бири, 2011 йилда мамлакатимизнинг 13 та тижорат банки ижобий рейтинг баҳосига лойиқ кўрилган бўлса, ҳозирда барча тижорат банклари ижобий рейтинг баҳоларини қўлга киритди. Улар «Кредит алмашинуви индекси» кўрсаткичи бўйича мавжуд 8 балли тизимда 7 баллга баҳоланди. Бу эса Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти (OECD)га аъзо давлатларга берилган кўрсаткичдан анча юқори эканлигидан далолатдир.



MOODY'S

Лев ДОРФ, «Moody's Investors Service» халқаро рейтинг агентлигининг бош таҳлилчиси:

— Агентлигимиз юртингиз банклари фаолиятини, мана, беш йилдирки, барча йўналиш бўйича чуқур таҳлил қилиб, халқаро миқёсда белгиланган меъёрларга кўра, ўз рейтинг баҳосини бериб келмоқда. Бу банкнинг тўловга лаёқатлилиги, омонатчиларнинг пул маблағлари бут сақланаётганлиги, капитали мустаҳкамланиб, активлари ошиб бораётганлиги, кредит портфелининг соғломлиги, кредит, фоиз ҳамда кадрлар сиёсати тўғри ишлаб чиқилганлиги, мижозларга халқаро стандартлар даражасида замонавий хизмат кўрсатаётганлигини кафолатлайди.

Юртингиз молиявий хизматлар бозорини баҳолаш чоғида тизим яна-

да ислоҳ қилинаётгани туфайли кейинги йилларда унинг барқарорлиги ошиб, юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришилаётганига амин бўлдик. Бунга юртингиздаги энг нуфузли банклардан бири — Ташки иқтисодий фаолият миллий банки фаолияти яққол мисол бўлади. Нега деганда, агентлигимиз томонидан ушбу банкнинг молиявий барқарорлиги рейтинги, маҳаллий валютадаги депозитларнинг узоқ муддатли ва қисқа муддатли рейтинглари, хорижий валютадаги депозитларнинг узоқ муддатли ва қисқа муддатли рейтинглари юқори рейтинг баҳосига муносиб, деб топилди. Мазкур рейтинг кўрсаткичи унинг Ўзбекистонга чет эл инвестицияларини жалб этиш ва жамлаш, хорижий савдо операциялари бўйича хизмат кўрсатишда пешқадамлик қилаётганини ифодалайди.

Мамлакатингиздаги нуфузли банклардан яна бири «Агробанк»дир. Аграр соҳада олиб борилаётган иқтисодий ислохотларда фаол қатнашиб, бу жараёндаги истиқболли лойиҳаларни молиялаштиришда етакчилик қилаётган ушбу муассасанинг фаолияти ҳам мақтовга сазовор.

Банк ва мижоз ўртасидаги ўзаро ишончга асосланган, тенг манфаатли муносабатлар доирасида олиб борилаётган депозит сиёсати муваффақиятларнинг бош омилдир. Сабаби, омонатчилар ўз маблағларини жойлаштириш юзасидан қарор қабул қилишда, биринчи навбатда, банк-

тивларнинг яхши сифати ва молиялаштиришнинг барқарор манбалари, ажратилган кредитлар устидан доимий мониторинг ўтказилиши «Ипотека-банк» рейтингининг «барқарор» истиқболга эгаллигини таъминламоқда. Агентлигимиз таҳлилчилари бун-

мамлакатнинг иқтисодий салоҳиятини таҳлил қилиб, биринчи ўринда, унинг банк тизими фаолиятига эътибор қаратади. Банк тизими барқарор фаолият кўрсатиши давлатнинг тўлов қобилияти юқорилигини англатади.

Юртимиз банк тизимида кузатилаётган ижобий ўзгаришлар, эришилаётган ютуқлар халқаро рейтинг агентликлари, хусусан, дунёнинг нуфузли «Standard & Poor's» ва «Fitch Ratings» халқаро рейтинг агентликларини томонидан яна бир бора «барқарор» юқори рейтинг баҳоси ҳамда «Moody's Investors Service» халқаро рейтинг агентлигининг кетма-кет бешинчи маротаба «барқарор» даражасида қайта тасдиқланди.

дай юқори кўрсаткичларга «Асака» банк, «Кишлоқ қурилиш банк», «Ипак йўли» банки, «Asia Alliance Bank», «Ҳамкорбанк», «Савдогар» банк, «Invest Finance Bank» ва «Алоқабанк» фаолиятида ҳам эришилаётганини эътироф этишмоқда. Чунки, уларнинг иқтисодий кўрсаткичлари муттасил ўсиб, ҳудудий бўлимларида самарали ишлар ташкил этилмоқда.

Ўзбекистон банк тизимининг барқарор фаолияти ҳақида гап кетганда, Президент Ислам Каримов томонидан олиб борилаётган оқилона сиёсат туфайли, қолаверса, соҳани ривожлантириш борасида қабул қилинган фармонлар ва қарорлар, иқтисодий инқирознинг олдини олишга

банк фаолиятида ўтказилган таҳлил натижаларини эътиборингизга ҳавола қиламиз.

Энг аввало, мазкур банк ўтган 2014 йилда улкан ютуқларга эришганини айтиш жоиз. Ходимларининг касб одоб-ахлоқ қоидаларига тўла риоя этиб, мижозлар билан яқин ҳамкорликда ишлаётгани, қулай ишбилармонлик муҳити яратилганлиги уларнинг ишончи ортишида муҳим омил бўлди.

Агентлигимиз томонидан мазкур банкка «В+/В» истиқболи «барқарор» рейтинг баҳоси берилди. Унга кўра, узоқ муддатли «В+» ва қисқа муддатли «В» кредит рейтинглари унинг бизнес мавқеи, активлар ўсишининг юқори суръатлари, фаолиятида таваккалчиликлар таъсирининг камайиши ва даромадлиликнинг яхши кўрсаткичларига эришганлигини кафолатлайди.

Халқ банки рейтинги истиқболлининг барқарорлиги агентлигимиз мутахассислари кутганидек бўлиб, унинг молиявий кўрсаткичлари келгуси давр давомида ҳам барқарор даражада қолишини таъкидламоқчиман.

Банк таваккалчиликларини бошқариш ушбу муассасанинг ривожланиш стратегиясидаги муҳим жиҳатлардан бирдир. Бу ерда хатарларни аниқлаш, уларни таҳлил этиш ва устидан бошқарув тизими кучли стратегиясини инobatга олган ҳолда, юқори даражада йўлга қўйилгани бунинг тасдиғидир. Банкнинг таваккалчиликлар билан боғлиқ барча операциялари ўрнатилган меъёр ва чекловлар доирасида, шунингдек, улар устидан қатъий назоратни амалга ошириш борасида ҳам кенг қамровли ишлар олиб борилган.

Банк томонидан босқичма-босқич дастурий таъминот ва ахборотни муҳофаза қилиш тизимларини бир хиллаштириш орқали ишончилиликка эриштириш учун ягона ахборот макони яратилгани ҳам диққатга сазовор. Бу ҳудудларда мунтазам, узлуксиз хизмат кўрсатишни таъминлаш билан бирга, мижоз ишончини қозонишда яққол намоён бўлмоқда. Мижозлар ўз уйи ёки офисидан чиқмасдан «Интернет-банкнинг» тизими, «Мобиль-банкнинг», «Call марказ» ёрдамида банк амалиётларини бажариш имкониятига эга. Шу



нинг ишончилиги, устама фоизнинг даражаси, муассасанинг тармоқ бўлинмалари ҳамда мижозларга хизмат кўрсатиш сифати билан боғлиқ омилларни ҳисобга олади. Бу борада «Агробанк» томонидан кенг қамровли ишлар амалга оширилаётганлигини таъкидлаш ўринлидир.

Шу ўринда «Ипотека-банк» ҳақида ҳам қисқача тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ. Унинг асосий стратегияси мижозлар ишончини қозонишга қаратилиб, кадрлар сиёсати тўғри юритилаётгани туфайли банкнинг молиявий хизматлар бозоридаги салоҳияти тобора юксалиб бораётганига бевосита таҳлил жараёнида гувоҳ бўлдик.

Умуман, янги рейтинг хулосасида «Ипотека-банк»нинг корпоратив ва чакана молия бозоридаги мустаҳкам улуши акс эттирилган. Бу активлар ҳажми бўйича мамлакатингизда етакчи ўринни эгаллаши, даромадларининг барқарорлиги ва капиталлашув даражасининг етарлилиги билан изоҳланади. Бир сўз билан айтганда, даромадлар диверсификацияси, ак-

қаратилган чора-тадбирлар юртингиз банк тизимининг халқаро андозалар талаблари даражасида ишлаши билан бирга, халқингиз ва хорижий ишбилармон доира вакиллари ишончи ошишига имкон яратди.

Мухтасар айтганда, «Мудис» халқаро рейтинг агентлиги томонидан Ўзбекистон банк тизимида бешинчи марта «барқарор» рейтинги берилганини ҳар томонлама муносиб ва ҳақиқий баҳо, деб ҳисоблаймиз.

STANDARD & POOR'S

Юлия КОЗЛОВА, Роман РЫБАЛКИН, «Standard and Poor's» халқаро рейтинг агентлигининг бош таҳлилчилари:

— Давлатлар ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйишдан олдин ўша

НАМКОРЛИК

сабабли ҳам, мижозлар сони йилдан-йилга кўпаймоқда.

Халқ банкида омонатлар шартларини мақбуллаштириш, янги депозит маҳсулотларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш, хизмат сифатини ошириш бўйича ҳам аниқ мақсадли ишлар олиб борилмоқда. Буларнинг барчаси 2015 йилда ҳам Халқ банкининг янада юқори ўсиш суръатларига эришишига мустаҳкам замин яратади.

Бундай ижобий натижаларга «Ўзсаноатқурилишбанк», «Ипотекабанк», Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, «Капиталбанк», «Даврбанк», «Orient Finans» банк, «Туронбанк», «Туркистон» банк ва «Равнақбанк» фаолиятини ўрганиш жараёнида ҳам гувоҳ бўлдик.

Мазкур банклар томонидан Марказий банк талаблари ва банк назорати бўйича Базель кўмитасининг (Базел III) тавсиялари асосида самарали ва ишончли тизим шакллантирилганлиги диққатга сазовордир.

зорида кўплаб муаммоларни юзга келтирди. Бу каби омиллар Марказий банк фаолиятида банк назоратининг аҳамиятини кескин оширди.

Шу жиҳатдан олиб қараганда, юртингиз Марказий банки томонидан амалга оширилаётган ишларни юқори баҳолаймиз. Чунки, банкларни бошқариш борасида ишлаб чиқилган пухта стратегия банк тизимини бир маромда ишлашига катта имконият яратмоқда.

Бундай фикрга ўз-ўзидан келингани йўқ, албатта. Агентлигимиз таҳлилчилари республикангиздаги «Асак» банк, «Микрокредитбанк», «Ўзсаноатқурилишбанк», «Агробанк», «Ипак йўли» банки, «ҚДБ Банк Ўзбекистон», «Трастбанк», «Универсалбанк» каби банклар фаолиятини ҳар томонлама таҳлил қилиб, уларга бир неча йилдан буён «барқарор» юқори рейтинг баҳосини бераётганида ҳам кўришимиз мумкин.

Молиявий кўрсаткичларнинг



Тизимдаги энг муҳим кўрсаткичлардан яна бири банк хизматларининг оммавийлик даражаси ошиб бораётганидир. Мисол учун, ҳар 100 минг (катта ёшли) аҳолига тўғри келадиган банк муассасалари сони 49,7 тани, ҳар мингта катта ёшли аҳолига тўғри келадиган банк ҳисобварақлари сони 1028 бирликни ташкил этди. Бу эса аҳолига тўғри келадиган банк инфратузилмалари сони бўйича Ўзбекистон МДХ давлатлари орасида пешқадам бўлиб турганлигининг амалий ифодасидир.

Мухтасар айтганда, тизимда яратилган кучли механизм самарали ишлаётгани Ўзбекистон банк тизими нуфузини юқори босқичларга кўтарилишида бош омил бўлмоқда.

Fitch Ratings

Роман КОРНЕВ, Мария КУРАЕВА, «Fitch Ratings» халқаро рейтинг агентлигининг бош таҳлилчилари:

– Жаҳонда ҳали-ҳамон давом этаётган иқтисодий инқироз кўплаб мамлакатларнинг молия-банк тизимига салбий таъсирини ўтказмоқда. Бу эса банк тизимининг катта миқдорда зарар кўришига ёки олаётган фойдасининг бир неча баробарга камайиб кетишига, охир-оқибатда уларнинг капиталлашув даражасининг кескин пасайишига сабаб бўлди.

Глобал инқироз, айниқса, ташқи қарзларга таяниб қолган давлатларнинг молиявий хизматлар бо-

таҳлиliga қараганда, тижорат банкларининг барқарорлиги сезиларли даражада ошган. Жумладан, 2014 йил давомида банклар капиталининг етарлилик даражаси таваккалчилик ҳисобга олинган ҳолдаги активларга нисбатан 23,8 фоизни ташкил этган. Бу қабул қилинган халқаро меъёрдан (8 фоиз) деярли 3 баробар юқоридир. Банк тизими ликвидлиги эса 64,6 фоизга етди. Кези келганда, айтиш жоизки, «юқори» баҳога эга бўлиш учун ликвидлик даражаси 30 фоиздан ортиқ бўлиши кифоя.

Эришилаётган ушбу натижалар банк омонатчилари ва чет эл инвесторларининг мамлакатингиз банк тизимига бўлган ишончини янада мустаҳкамлаб, халқаро молия бозорларидаги нуфузи бундан-да кўтарилишига асос бўлиб хизмат қилади.

Республика тижорат банкларининг жами активлари ва кредит портфелининг бундай юқори суръатларда ўсиши, асосан, ички захиралар ва манбаларни янада кенгроқ жалб қилиш ҳисобига таъминланмоқда. Бундай сиёсатнинг амалга оширилиши натижасида ички манбалар ҳисобидан ажратилган кредитларнинг улуши охириги 5 йил давомида 4,2 баробарга ошган. Ҳозирги кунда уларнинг тижорат банкларининг умумий кредит портфелидаги улуши 86 фоизни ташкил этади. Шу маънода, Ўзбекистон банк тизимига берилган «барқарор» рейтинг баҳоси энг муносиб баҳо, деб биламиз.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки материаллари асосида тайёрланди.

Тадбиркорларнинг экспорт имкониятлари кенгаймоқда

Мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар жараёнида кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва янада қулай шарт-шароит яратишга алоҳида эътибор қаратилаётир.

Бу фаолиятда Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки қошидаги Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси фаолияти муҳим аҳамият касб этмоқда.

Жамғарма ташқи бозорларни чуқур ўрганган ҳолда мамлакатимизнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига маҳсулотни экспорт қилиш учун имкониятлар яратиш, жумладан, уларга харидорларни излаш, шартномаларни тайёрлаш ва тузиш, экспорт операцияларини амалга ошириш, экспорт қилувчиларни эҳтимолий хавф-хатарлардан ҳимоя қилиш, шунингдек, бошқа юридик, молиявий ва ташкилий ишларда яқиндан ёрдам кўрсатади.

Жаҳон бозорида маҳаллий маҳсулотларга бўлган талабни ўрганиш мақсадида Корея, Япония, Сингапур, Европа Иттифоқи, Россия Федерацияси ҳамда МДХ, Форс кўрфази ва бошқа давлатларнинг савдо ташкилотлари билан ҳамкорлик ўрнатилди. Ўрганишлар натижасида, доимий равишда янгиланиб борувчи, 19 мингдан ортиқ саноат корхоналарини ўз ичига олган маълумотлар базаси шакллантирилди.

– **Жамғарма томонидан хорижий мамлакатлар билан савдо-экспорт алоқаларини янада мустаҳкамлаш, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар учун ишончли ҳамкорларни излаб топиш бўйича кенг қамровли фаолият олиб борилмоқда, – дейди Жамғарманинг маркетинг бўлими бошлиғи Камолитдин Нурматов.** – Бугунги кунда Жамғарма Европа, Марказий ва Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари, Африка, Яқин ва ўрта Шарқ мамлакатларида кўплаб ҳамкорлар билан ўзаро савдо-экспорт алоқаларини ўрнатган. Айни вақтда ҳамкорлик географиясини кенгайтириш ҳамда экспорт қамровини юксалтириш бўйича фаолият олиб борилмоқда. Жаҳон бозорларини ўрганиш жараёнида 173 та мамлакатда 16 тур маҳсулот ва 15 турдаги хизматлар: кимё, текстиль, озиқ-овқат, машинасозлик, мебель, қурилиш, қишлоқ хўжалиги ва фармацевтика маҳсулотлари ҳамда туризм, ахборот технологиялари, транспорт, молия ва бошқа хизматларга бўлган эҳтиёж аниқланди.

2014 йилги якуний ҳисоботга кўра, Жамғарма 2399 та тадбиркорлик субъектларига маҳсулот ва хизматларни экспорт қилишда ташкилий, ҳуқуқий ва молиявий хизматлар кўрсатди. Амалга оширилган ишлар натижасида умумий қиймати 1,25 млрд. АҚШ долларига тенг экспорт шартномалари тузилиб, республикамиздаги 699 нафар тадбиркорлик субъектлари умумий қиймати 842,1 млн. долларга тенг маҳсулот ва хизматларни экспорт қилишга эришди.

Масъул ходимлар томонидан амалга оширилган маркетинг тадқиқотлари натижаси Жамғарманинг расмий

сайтида мунтазам равишда жойлаштириб келинади. 2014 йил давомида сайтга 76 та мамлакатдан 3438 та фойдаланувчи 5437 марта киргани ва 17366 та саҳифани ўқиб чиқиб, ўзига зарур маълумотларни олгани аниқланди.

Жамғарма халқаро кўрғазма ва ярмаркаларда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг фаол қатнашиши учун ташкилий-молиявий имкониятлар яратиб бермоқда. Хусусан, ўтган йили Жамғарма кўмагида 80 дан ортиқ тадбиркорлар Берлин шаҳрида бўлиб ўтган «Яшил ҳафта-2014» озиқ-овқат маҳсулотлари халқаро кўрғазмасида, Истамбул шаҳрида бўлиб ўтган «Aysaf-2014» чарм пойабзали саноати халқаро кўрғазмасида, Умумхитой халқаро саноат кўрғазмасида ҳамда Гонгконгда бўлиб ўтган «Hong Kong International Wine and Spirits Fair» қайта ишланган узум маҳсулотлари халқаро кўрғазмасида иштирок этишди.

Ушбу тадбирлар натижада маҳсулот ва хизматлар экспорти бўйича умумий қиймати 67 млн. долларга тенг келишув битимлари имзоланди. Айни пайтда Жамғарма томонидан Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ва Япониянинг «JETRO» халқаро ташкилоти билан ҳамкорликда шу йилнинг 3–6 март кунлари Японияда бўлиб ўтадиган «FoodEx Japan-2015» озиқ-овқат маҳсулотлари халқаро кўрғазмасида маҳаллий ишлаб чиқарувчилар иштирокини имтиёзли ташкиллаштириш бўйича фаолият олиб борилмоқда.

Маълумки, иш самараси иқтисодий-иқтисодий барқарорлик фаровонликни қўллаб-қувватлайди. Муваффақиятлар мезонини эса ишончли дўст ва ҳамкорлар кўплиги белгилаб беради. Шунини инобатга олиб, Жамғарма хорижий ҳамкорликни кенгайтириш мақсадида Корея, Сингапур, Латвия, Испания, Бельгия, Қозғистон, Литва ва Хитой давлатларининг ишбилармон доиралари билан учрашувлар, бизнес форумларни ўтказди. Уларга республикамиз ишлаб чиқарувчилари кенг қамраб олинди. Натижада 21 та ўзаро ҳамкорлик меморандуми ҳамда маҳсулот ва хизматларни хорижга экспорт қилиш, республикага инвестиция жалб қилиш бўйича умумий қиймати 75 млн. долларга тенг ҳамкорлик келишувлари имзоланди.

Жамғарма томонидан ҳисобот даврида 14 та тадбиркорга 2,64 млрд. сўмлик фоизсиз молиявий ёрдам берилди. Натижада умумий қиймати 68,3 млн. АҚШ долларига тенг экспорт шартномаларини тузишга эришилди.

Ҳозирги вақтда Жамғарма кўмагида республиканинг 54 та ишлаб чиқариш корхоналарида халқаро стандартлар талабларига жавоб берувчи сифат менежменти тизими босқичма-босқич жорий этилмоқда.

«Туркистон-пресс» НАА материаллари асосида.

OVOD MANZILLAR

Оилалар манфаатига ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Худудларда ёшлар учун 2014 йилда намунавий лойиҳалар асосида кўп қаватли уйлар қурилиши дастури»га мувофиқ, тижорат банклари томонидан республикамизда ёшлар учун кўп қаватли «Камолот» уйларини барпо этиш ишлари қизғин давом этмоқда.



Хусусан, «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик-тижорат банки Қашқадарё ва Самарқанд вилоятларида 6 та кўп қаватли ана шундай уй-жойлар қурилишини молиялаштирмоқда.

Юртимизда Давлатимиз раҳбари раҳнамолигида ёш оилалар ҳуқуқ ва манфаатларига хизмат қилувчи кенг миқёсли ислохотлар олиб борилмоқда. Бу борада эса, энг катта масъулиятли вазифалардан бирини тижорат банклари амалга оширмоқда. Жумладан, Президентимизнинг 2014 йил 6 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2124-сонли ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 8 сентябрдаги «Мамлакатнинг ижтимоий ҳаётида фаол қатнашаётган ёш оилаларни уй-жой билан таъминлашни янада қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 250-сонли қарорлари асосида республикамиз бўйлаб қад ростлаётган «Камолот» уйларининг қурилишида ҳам банклар молиявий жиҳатдан ташаббус кўрсатмоқда.

Таъкидлаш жоиз, мазкур кўп қаватли кўркам турар жойлар, замонавий инфраструктура объектларини барпо этиш жараёнида бошқа молия муассасалари қатори «Қишлоқ қурилиш банк» ҳам муносиб ҳисса кўшмоқда. Юқоридаги дастур доирасида банк 2015 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, Самарқанд вилоятида 192 хонадонли 3 та ва Қашқадарё вилоятида 160 хонадонли 3 та кўп қаватли уйлар учун 15,4 млрд. сўм миқдорда кредит маблағлари ажратди. Режага мувофиқ, ушбу уйлар жорий йилнинг биринчи ярим йиллиги мобайнида тўлиқ фой-

даланишга топширилиши мўлжалланган.

Шунингдек, «Қишлоқ қурилиш банк» АТБ Президентимизнинг 2012 йил 6 декабрдаги «Урганч шаҳрининг бош режасини амалга ошириш, ободонлаштириш ишларини ва Хоразм вилояти аҳолисини ичимлик суви таъминотини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 1874-сонли Қарорига асосан ушбу худудни ободонлаштириш ва аҳолининг уй-жойга бўлган эҳтиёжини таъминлашда фаол иштирок этган ҳолда, Урганч шаҳрида 56 хонадонли 2 та ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 250-сонли қарорига кўра, Қорақалпоғистон Республикасида 32 хонадонли 1 та ва Жиззах вилоятида 12 хонадонли 3 та уйлар қурилишини молиялаштириб, пудрат ташкилотларига 9,9 млрд. сўмдан ортиқ имтиёзли кредит маблағлари ажратди. Ҳозирда ушбу кўп қаватли уйларнинг қурилиш ишлари якунига етказилмоқда. Улар фойдаланишга топширилгач, «Камолот» ЁИХ Марказий Кенгаши тавсиясига биноан рўйхатдан ўтказилган биринчи никоҳдаги ёшларга берилади. «Камолот» уйлари ипотека кредити асосида солиб олиш учун ариза берилган пайтда ҳар бирининг ёши 30 ёшдан ошмайдиган эр-хотинларга, турар жой шариоитларини яхшилашга муҳтожлар сифатида ҳисобда турган ҳамда фан, санъат, адабиёт, спорт соҳасида ва бошқа соҳаларда юксак натижаларга эришган ёш оилаларга бошлангич бадал тўловларисиз Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасига тенг бўлган фоизли ставка билан 20 йил муддатга, 5 йиллик имтиёзли давр билан тақдим этилади.

Назира МАВЛОНОВА.

«Ўзсаноатқурилишбанк» ёш оилаларнинг камолоти йўлида шерик

Мамлакатимизда аҳоли турмуш даражасини янада юксалтириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Айниқса, минтақалар бўйлаб амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари, хусусан, шаҳару қишлоқларимизда қад ростлаётган замонавий таълим ва тиббиёт муассасалари, спорт мажмуалари, кенг ва равон йўллар, кўприklar ҳамда намунавий лойиҳалар асосида қурилаётган уй-жойлар худудлар кўркига кўрк қўшиш баробарида, аҳолининг эртанги кунга бўлган ишончини янада мустаҳкамламоқда. Эътиборлиси, ушбу ислохотларда республикамиз тижорат банклари, жумладан, «Ўзсаноатқурилишбанк» акциядорлик-тижорат банки ҳам фаол иштирок этмоқда.

Банк Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 8 сентябрдаги «Мамлакатнинг ижтимоий ҳаётида фаол қатнашаётган ёш оилаларни уй-жой билан таъминлашни янада қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 250-сонли қарорига асосан турар жой шариоитларини яхшилашга муҳтожлар сифатида ҳисобда турган ҳамда фан, санъат, адабиёт, спорт ва бошқа соҳаларда юксак натижаларга эришган ёш оилаларни уй-жой билан таъминлаш мақсадида Сирдарё вилоятининг Оқ олтин ва Сардоба туманлари ҳамда Янгиер шаҳрида, Наманган вилоятининг Мингбулоқ, Уйчи ва Тўрақўрғон туманларида, Навоий вилоятининг Қизилтепа, Тошкент шаҳрининг Сирғали туманларида умумий смета қиймати 24,8 млрд. сўмдан иборат жами 8 та кўп қаватли «Камолот» уйлари қурилишини молиялаштирмоқда.

Бу борада муассаса алоҳида чора-тадбирлар дастурига эга бўлиб, унга кўра, ҳар бир худудга бириктирилган малакали мутахассислар тегишли туман ҳокимликлари, туман архитекторлари ҳамда «Камолот» ЁИХ туман бўлими раҳбарлари билан биргаликда иш олиб бормоқда.

Бугунги кунда мазкур кўп қаватли «Камолот» уйлари қурилишини молиялаштиришга 16 млрд. сўмга яқин кредит маблағлари ажратилди. Жорий йил якунигача қурилиш ишларини давом эттиришга яна 1,9 млрд. сўм ҳажмида маблағ йўналтири-

лади. Натижада йил охирига бориб, 256 ёш оилага янги хонадонларнинг калитлари топширилади.

– Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2124-сонли Қарорига мувофиқ, мамлакатнинг ижтимоий ҳаётида фаол қатнашаётган ёш оилаларни янада ижтимоий қўллаб-қувватлаш, уларнинг уй-жой ва маиший шариоитларини яхшилаш мақсадида юртимиз худудлари бўйлаб замонавий кўп қаватли уйлар барпо этилмоқда, – дейди «Камолот» ЁИХ Наманган вилояти кенгаши раиси Иброҳим Хожиев. – «Камолот» уйлари, дея номланган ана шундай турар жойлар, хусусан, бугунги кунда «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ Наманган минтақавий филиалининг молиявий кўмагида вилоятимизнинг Минбулоқ, Тўрақўрғон ва Уйчи туманларида ҳам қад ростламоқда.

Ҳозирги кунга келиб, Тўрақўрғон туманидаги 1 та 4 қаватли 32 хонадонга мўлжалланган уй-жой биносининг қурилиш ишлари якунига етказилиб, жорий йилнинг 8 январида фойдаланишга топширилди. Ушбу уй-жой қурилиши учун «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ томонидан 2 млрд. 350 млн. сўмлик кредит маблағлари ажратилди. Уйчи ва Мингбулоқ туманларининг ҳар бирида қурилаётган 4 қаватли 32 хонадонга мўлжалланган турар жой биносининг қурилиш ишлари эса, жадал суръатларда олиб борилмоқда.

Жорий йил якунига қадар ушбу уй-жойлар қурилиши ўз ниҳоясига етказилиб, 96 ёш оилага янги хонадонларнинг калитлари топширилади.

– 2015 йил оиламиз учун хосиятли бошланди, – дейди Рустам Умаров. – Шуқуҳли кун арафасида «Ўзсаноатқурилишбанк» томонидан ажратилган ипотека кредити эвазига 2 хонали замонавий уй соҳиби бўлдик. Ушбу кредит маблағининг 20 йил муддатга, 5 йиллик имтиёзли давр билан ажратилиши биз каби ёш оилаларга ҳар жиҳатдан қулайлик яратмоқда.

Гулшан ЮСУПОВА.

Ёш оилаларга янги уйлар берилди

Андижон вилоятининг Балиқчи ва Асака туманларида ёш оилаларга «Камолот» уйлари топширилди.

Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда Президентимиз раҳнамолигида ёш оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг турмуш шариоитларини янада яхшилашга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 8 сентябрдаги «Мамлакатнинг ижтимоий ҳаётида фаол қатнашаётган ёш оилаларни уй-жой билан таъминлашни янада қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори бу борада муҳим омил бўлмоқда.

– 48 хонадондан иборат 2-3 хонали уйлар фан, санъат, адабиёт ва спорт соҳаларида юксак натижаларга

эришган, жамиятимиз ҳаётида фаоллик кўрсатаётган ёш оилаларга берилди, – дейди «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати фаоли Давронбек Мўминов. – Турар жойларнинг имтиёзли шартлар асосида тақдим этилаётгани ёш оилаларнинг эртанги кунга бўлган ишончини янада мустаҳкамлаётир.

Янги уй калитларини олганлар орасида ёш санъаткор, «Ягонасан, муқаддас Ватан!» республика кўриктанлови голиби Нодирбек Тешабоев ҳам бор.

– Уйнинг узоқ муддатли имтиёзли кредит асосида берилгани бизга катта енгиллик бўлди, – дейди Нодирбек. – Давлатимиз томонидан кўрсатилаётган бундай

имтиёз ва имкониятлар биз, ёшларга куч-ғайрат бағишлаётир, элу юртимиз қорига камарбаста бўлиб, ўқиш ва ишда янада фаол бўлишга ундамоқда.

Асака тумани марказида қурилган шундай уй ҳам давлат мукофотлари билан тақдирланган, нуфузли халқаро ва мамлакат танлов ва фестивалларида голиб бўлган ёш оилалар вакилларига берилди.

– Янги уй соҳиби бўлганимдан қувончим чексиз, – дейди таэквондо бўйича Ўзбекистон, Осиё ва жаҳон чемпиони Диёрбек Эргашев. – Биз, ёшлар ўқиш, спорт билан шуғуланиш ҳамда яшаш учун ҳеч қандам кам бўлмаган шарт-шариоитлар яратиб бераётган Президентимиздан гоят миннатдормиз.

ЎЗА.

QONUNCHILIKDAGI YANGILIKLAR



Янги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни тақдим этамиз

«Бир дарча» тамойили бўйича

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 31 декабрдаги 377-сонли қарори билан 2015 йил 1 январдан бошлаб давлат хизматлари кўрсатишда давлат органлари ва бошқа органлар томонидан тадбиркорлик субъектларидан давлат бошқа органларида ва ўзга ташкилотларда мавжуд бўлган ҳужжатларни ва ахборотларни, шу жумладан, солиқ қарздорлиги ёки коммунал тўловлар бўйича қарзларнинг мавжуд эмаслиги тўғрисидаги маълумотномаларнинг, тадбиркорлик субъекти таъсис ҳужжатларининг, лицензиялар ва рухсат берувчи тусдаги ҳужжатлар нусхаларининг талаб қилиниши тақиқланади.

Давлат органлари ва бошқа органлар энди давлат бошқа органларида ва ташкилотларда мавжуд бўлган зарур ҳужжатларни ва ахборотларни ўзаро ахборот ҳамкорлиги йўли билан, шу жумладан, электрон тарзда мустақил равишда оладилар.

Давлат хизматлари кўрсатиш учун зарур бўлган ҳужжатлар ва ах-

боротларнинг тақдим этилмаганлиги ёки ўз вақтида тақдим этилмаганлиги, шунингдек, давлат хизматлари кўрсатувчи давлат органи ёки бошқа ташкилот томонидан олинмаганлиги учун айбдор бўлган тегишли мансабдор шахслар жавоб берадилар.

Ҳужжат билан бошқа қатор норматив-ҳуқуқий

ҳужжатларга ўзгартиришлар киритилди.

Қарор Президентимизнинг 2014 йил 7 апрелдаги «Ўзбекистон Республикасида инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-4609-сонли Фармони га мувофиқ қабул қилинди.

Нотариус қабулига телефон орқали ёки электрон шаклда ёзилиш мумкин

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг буйруғи (Адлия вазирлиги томонидан 2014 йил 30 декабрда 2646-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Давлат нотариал идораларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини навбатма-навбат қайд этиш тартиби тўғрисидаги Низом тасдиқланди.

Белгиланишича, жисмоний ва юридик шахслар шахсан келиб ёки телефон орқали, ёзма ёхуд электрон шаклда (шу жумладан, Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали – tu.gov.uz) нотариус томонидан қабул қилинишни сўраб мурожаат қилишга ҳақлилар.

Барча мурожаатлар Нотариал ҳаракатларни амалга ошириш ҳақидаги мурожаатларни навбатма-навбат қайд этиш дафтарида қайд қилинади. Давлат нотариал идорасида фаолият юритадиган нотариуслар сонидан қатъи назар, давлат нотариал идораларида ягона дафтар юритилади. Бунда келиб тушган мурожаатлар нотариусларнинг иш кунлари ва вақтини инобатга олган ҳолда нотариуслар ўртасида тенг тақсимлаб борилади.

Нотариусларнинг иш кунлари ва иш вақтини ҳудудий адлия органлари белгилаб, шанба ва якшанба кунларида ҳам нотариал ҳаракатлар амалга оширилиши назарда тутилади, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятга бўйсунувчи туман (шаҳар) доирасида фақат битта нотариус фаолият юритадиган ҳоллар бундан мустасно.

Нотариус ёрдамчиси келиб тушган ҳар бир мурожаатни навбат бўйича дафтарга киритади, нотариуснинг иш куни ва вақтини ҳамда мурожаат

қилувчи учун қулай вақтни инобатга олган ҳолда, нотариуснинг қабул куни ва соатини белгилайди ҳамда бу ҳақида мурожаат қилувчини хабардор қилади. Бунда мурожаат қилувчи мурожаат келиб тушган кундан кейинги иш кунидан кечиктирмасдан нотариус томонидан қабул қилиниши лозим.

Мурожаат қилувчи белгиланган вақтда нотариус қабулида ҳозир бўлиши шарт. Мазкур талаб бажарилмаганда мурожаат қилувчини қабул қилиш умумий асосларда ёки қабул вақтини қайтадан белгилаш орқали амалга оширилади.

Белгиланган вақтдан бошқа шахс фойдасига воз кечишга йўл қўйилмайди.

Мурожаат қилувчи нотариус томонидан қабул қилинганда, муайян камчиликлар сабабли тегишли нотариал ҳаракатларни амалга ошириш имкони йўқлиги аниқланган тақдирда, мазкур камчиликларни дарҳол бартараф этиш чоралари кўрилади. Аниқланган камчиликларни дарҳол бартараф этиш имкони бўлмаган тақдирда, мурожаат қилувчига кўрсатилган камчиликларни бартараф этиш учун етарли муддат берилади. Бунда мурожаат қилувчи берилган муддатдан кейин навбатдан ташқари қабул қилинади ва бу ҳақида дафтарга тегишли изоҳ киритилади.

Илмий унвонлар бериш тартиби ўзгарди

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг қарори (Адлия вазирлиги томонидан 2014 йил 26 декабрда 2444-1-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Илмий унвонлар бериш тартиби тўғрисидаги Низомга қўшимчалар киритилди.

Олий ўқув юртида профессор илмий унвони, истисно тариқасида: «Ўзбекистон Қахрамони» унвони ёки «Буюк хизматлари учун» ордени билан мукофотланган;

камида 2 ўқув йили давомида педагогик фаолият олиб бораётган; педагогик амалиётда фойдаланилаётган ўқув адабиёти бўлган; илмий мақолалар чоп эттирган;

республика ва халқаро танловларда нуфузли ўринларни эгаллаган шогирдларни тайёрлаган юқори малакали мутахассисларга берилиши мумкин.

Шунингдек, илмий-тадқиқот муассасасида профессор илмий унвони, истисно тариқасида:

камида 2 йил давомида илмий фаолият кўрсатаётган; фан доктори ёки фан номзоди (хорижий давлатларда берилган фалсафа доктори (Ph.D) ёки унга тенглаштирилган бошқа илмий даражалар) илмий даражасига эга бўлган;

диссертация ҳимоясидан кейин илмий ишлар (жумладан, ҳаммуаллифликда йирик илмий иш, монография) чоп эттирган;

камида 10 та (шундан нуфузли хорижий журналларда 2 та) илмий мақола чоп эттирган;

педагогик амалиётда фойдаланилаётган ўқув адабиёти бўлган;

салмоқли илмий ва илмий-техник натижаларга эришган (жумладан, олган илмий натижалари норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда татбиқ этилган) юқори малакали мутахассисларга берилиши мумкин.

Илмий ходимларнинг базавий лавозим маошлари оширилди

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш кўмитаси (ФТРМК), Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва Молия вазирлигининг қарори (Адлия вазирлиги томонидан 2014 йил 30 декабрда 2644-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Бюджет маблағлари ҳисобига фундаментал, амалий тадқиқотлар ва инновацион ишларнинг илмий-техника дастурларини амалга оширишда қатнашувчи илмий-тадқиқот муассасалари илмий ва раҳбар ходимларининг базавий лавозим маошлари миқдорларига (Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 18 августдаги 233-сонли қарори билан тасдиқланган) ўзгартиришлар киритилди.

Институт директори (профессор)нинг лавозим маоши миқдори 1 663 850 сўмдан 1 830 235 сўмга, кичик илмий ходим (фан номзоди)нинг маоши – 1 172 873 сўмдан 1 290 160 сўмга, тажриба орттирувчи тадқиқотчининг маоши – 925 818 сўмдан 1 018 400 сўмга ча оширилди.

Бюджет маблағлари ҳисобига фундаментал, амалий тадқиқотлар ва инновацион ишларнинг илмий-техника дастурларини амалга оширишда қатнашувчи илмий-тадқиқот ва таълим муассасалари томонидан 2014 йил 15 декабрдан илмий ва раҳбар ходимларнинг базавий лавозим маошлари миқдорлари ўзгарганлигини ҳисобга олиб иш ҳақла-

ри қайта ҳисоблаб тўланиши таъминланади.

Ҳужжат Президентимизнинг «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги Фармони (2014 йил 21 ноябрдаги ПФ-4672-сонли) ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг «Илмий ходимлар меҳнатини янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорини (2009 йил 18 августдаги 233-сонли) бажариш мақсадида қабул қилинди.

ФТРМК, МАИМКВ ва МВнинг илгари амал қилган, Адлия вазирлиги томонидан 2014 йил 15 сентябрда 2616-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори ўз кучини йўқотди.

BANK FAOLIYATI

«Асака» банк: хизматлар сарҳисоби

Бир қанча мамлакатлар иқтисодиётида ҳали-ҳануз молиявий-иқтисодий инқироз ўз салбий таъсирини кўрсатаётган бир вақтда Президентимиз раҳнамолигида юртимизда амалга оширилаётган ислохотлар туфайли иқтисодиётнинг барқарор ўсиш суръатларига эришилмоқда. Жумладан, мазкур жараёнда республикада етакчи молиявий муассасалардан бири — «Асака» давлат-акциядорлик тижорат банкининг фаол иштирокини атрофлича ёритиш мақсадида муҳбиримиз саволлар билан «Асака» банкнинг Кредитлаш департаменти бўлим бошлиғи Ғайрат БОЗОРБОЕВга мурожаат этди.

— Аввало, банкнинг ўтган йил давомида эришган асосий молиявий кўрсаткичлари ҳақида маълумот берсангиз?

— Айни пайтда «Асака» банк томонидан Инқирозга қарши чоралар дастури талабларини бажариш, шу асосда ривожланишга эришиш, инвестицион жозибадорликни янада ошириш, юқори ликвидлик ва барқарорликни, асосий кўрсаткичларнинг илдам ўсишини таъминлаш ва уларни жаҳон стандартлари талаблари даражасига етказиш орқали рақобатбардош, ички бозор ва экспортга мос маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган ва маҳаллий аҳоли вакилларига ҳамда хорижий ҳамкорларга сифатли банк хизматларини кўрсатиш йўлида фаол ишлар амалга оширилмоқда.

Жаҳоннинг етакчи ва нуфузли халқаро рейтинг агентликлари саналмиш «Moody's Investors Service» ва «Fitch



Ratings» томонидан қаторасига бир неча йиллардан бери «Асака» банк фаолиятига юқори рейтинг баҳолари берилиб, банк фаолияти «барқарор» деб тан олинмоқда.

Ҳозирда «Мижоз банк учун эмас, банк мижоз учун» тамойилига амал қилган ҳолда «Асака» банк 26 филиали, 103 мини-банки ва 553 та жамғарма, махсус ва сайёр кассалари орқали хўжалик юривчи субъектлар ва аҳолига барча турдаги банк хизматларини кўрсатмоқда.

Банк ходимлари мунтазам равишда мижозлар базаси-

ни кенгайтириш бўйича фаол ишлар олиб боради. Айни пайтда банк мижозлари сони қарийб 1,5 млн. нафарга етгани юқоридаги фикрларнинг ёрқин тасдиғидир.

Банк жами активлари 2014 йил давомида 742,2 млрд. сўмга ўсди ва 2015 йил 1 январь ҳолатига 5,4 трлн. сўмни ташкил этган бўлса, банкнинг жами капитали 110,7 млрд. сўмга ўсиб, унинг умумий ҳажми 801,7 млрд. сўмга етказилди.

Жорий йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, республикамиз иқтисодиётининг турли соҳаларига йўналтирилган банк кредит қўйилмалари ҳажми 2 755,3 млрд. сўмни ташкил этган бўлса, унинг 2 203,9 млрд. сўм миқдоридеги қисми ёки қарийб 80,0 фоизи узоқ муддатли кредитларни ташкил этади, шундан 1 881,4 млрд. сўм миқдоридеги қисми эса инвестицион кредитлардир.

2014 йил давомида рес-

публикамиз иқтисодиётининг турли соҳалари ривожланишига 1 796,2 млрд. сўм миқдоридеги кредитлар ажратилди ва бунинг пировардида эса кўплаб янги иш ўринлари яратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 28 июлдаги «Тижорат банкларининг инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтириладиган узоқ муддатли кредитлари улушини кўпайтиришни рағбатлантириш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»-ги Қарори ижросини таъминлаш мақсадида банк томонидан инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш учун 900,0 млрд. сўм миқдоридеги кредитлар ажратилди.

Шунингдек, «Асака» банк томонидан Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Фарғона, Жиззах, Қашқадарё, Сурхондарё ва Хоразм вилоятларида аҳолини уй-жой билан таъминлаш мақсадида, уй-жой қурилиши учун пулратиш бўйича фаол ишлар олиб борилиб, 119,4 млрд. сўм миқдоридеги кредит хизматлари кўрсатилди. Мазкур кредитлар ҳисобига жамиятимизнинг асосий бўғини ҳисобланмиш оилалар учун 74 та кўп қаватли турар жой

бинолари ва 1 800 га яқин аҳоли пунктлари барпо этилди.

— Юртбошимизнинг 2011 йил 24 августда қабул қилинган «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун кулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»-ги Фармонида биноан, банк томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ўтган йил мобайнида кўрсатилган молиявий хизматлар ҳамда улар учун яратилган кулайликлар борасида батафсил сўзлаб берсангиз?

— Банк томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини доимий равишда қўллаб-қувватлаш ва уларга кўрсатилаётган банк хизматлари турини кенгайтириш, сифатини янада яхшилаш ва кредит маблағлари ҳажмини кўпайтириш бўйича ишларни давом эттирган ҳолда, 2014 йилда кичик бизнес субъектлари учун 900,9 млрд. сўм миқдоридеги кредит маблағлари ажратилди. Жумладан, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасига 135,6 млрд. сўм, оилавий тадбиркорлик ва хунармандчиликни ривожлантириш

Кредитлар тадбиркорлик равнақида

Республикамиз тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ажратилаётган кредитлар салмоғи йил сайин ошмоқда. Хусусан, 2014 йилда молия муассасалари томонидан ушбу соҳага аввалги йилдагига нисбатан 1,3 бараварга кўп сармоя йўналтирилди.

Банк кредитлари ҳисобига ривожланаётган корхоналар хусусида тўхталиб, қуйидаги мижозлар фаолиятига эътибор қаратдик:

— Халқимиз орасидаги «Йигит кишига қирқ хунар оз», деган нақл бугунги кунда хотин-қизлар ҳаётида ҳам катта аҳамият касб этмоқда, — дейди Хоразм вилояти Хонқа туманидаги яқка тартибдаги тадбиркор Юлдузхон Султонова. — Бу айни пайтда юртимизда ёшларнинг касб-хунар эгаллашларида кулай шарт-шароитлар яратилгани туфайли юзага келаётган бўлса, ажабмас. Мен ўсмирлик давримдан турли тўғарақларга қатнаб, тикувчилик, тўқувчилик, пазандачилик каби хунарларни ўргандим. Коллежни тамомлаш арафасида банклар битирувчиларни қўллаб-қувватлаётганидан хабар топиб, «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБга мурожаат қилдим. Ҳозир нон ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган мўъжазгина корхона эгасиман. Орзуми ушалишига кўмаклашган «Ўзсаноатқурилишбанк»дан миннатдорман.

— «Агробанк» АТБ кўмагида тадбиркорлик фаолиятимизни кенгайтириб, уй бекаларининг бандлигини таъминлашга муносиб ҳисса қўшиб келяпмиз, — дейди Фарғона вилояти Сўх туманидаги «Дилнури Дилруҳ» корхонаси раҳбари Муқаддасхон Қодирова. — Ушбу муассаса томонидан электрон шаклда кредит ажратиш тизими йўлга қўйилгани, айниқса, биз каби олис ҳудудда истиқомат қилаётган тадбиркорлар учун айни муддао бўлди. Хусусан, мен ушбу хизматдан фойдаланган ҳолда ўз уйимда туриб кредит олиш учун барча ҳужжатларни электрон шаклда интернет орқали жўнатдим. Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган бизнес лойиҳам банк жамоасига маъқул келиб, қисқа фурсат ичида 30 млн. сўмлик сармоя ажратди. Ушбу маблағ эвазига нафақат корхонамиз фаолияти кенгайди, балки бир неча маҳаллий ёшлар ҳам иш билан таъминланди.



— Замонавий ноширчилик технологиялари тадбиркор учун ҳар жиҳатдан қулайдир, — дейди «Микрокредитбанк» АТБнинг Навоий минтақавий филиали мижози, яқка тартибдаги тадбиркор Рустамбек Истамов. — Биринчидан, улар жуда ихчам бўлиб, ишлаб чиқаришда кўп жой эгалламайди, бажарувчи вазибалари кенг қамровлиги жиҳатидан эса, кам меҳнат ресурсини талаб қилади. Шунингдек, замонавий ускуналар маҳсулотларнинг хилма-хиллик ва сифат жиҳатидан юқори даражасини таъминлайди. Бироқ, бу катта сармоя тикишни талаб қилади. Мамнуният билан айтиш жоиз, бугунги кунда ушбу масала ҳам тадбиркорларга қийинчилик туғдирмаяпти. Уларга тижорат банкларининг молиявий хизматлари асқотмоқда. Жумладан, биз ҳам 2014 йилда «Микрокредитбанк»дан 35 млн. сўм ҳажмида кредит олиб, корхонамиздаги ноширчилик технологияларини янгилаб олдик. Бу, ўз навбатида, ишлаб чиқаришда ҳажм ва сифатнинг ошишига, янги буюртмачи ва ҳамкорларнинг кўпайишига хизмат қилаяпти.

Назира МАВЛОНОВА.

Оила фаровонлиги асоси

Мамлакатимизда хотин-қизларнинг давлат ва жамиятдаги нуфузини юксалтириш, оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Президентимизнинг 2004 йил 25 майда қабул қилинган «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»-ги Фармони мазкур йўналишдаги ишларни янада юқори босқичга кўтаришда муҳим дастуриламал бўлаётир.

Ушбу ҳужжат ижроси доирасида Навоий вилоятида ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда. Ўтган йили вилоятда хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантириш мақсадида тижорат банклари томонидан 35 млрд. сўмдан зиёд кредит маблағлари ажратилди. Натижада 1 минг 930 га яқин хотин-қиз доимий иш ўрнига эга бўлди.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, «Тадбиркор аёл» уюшмаси ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида 2014 йили ташкил этилган «Тадбиркор аёлнинг энг яхши лойиҳаси» танловининг мамлакат босқичида навоийлик аёллар муваффақиятли иштирок этди. Танловнинг «Қишлоқ жойларга мўлжалланган энг яхши лойиҳа» номинацияси бўйича Навбахор туманидаги «Afrosiyob Gulshani» хусусий корхонаси биринчи ўринга лойиқ топилиб, 32 млн. сўм имтиёзли кредит олиш имконини берувчи сертификатга эга бўлди.

— Кредитга 15 турдаги замонавий тикув дастгоҳлари харид қилдик, — дейди «Afrosiyob Gulshani» раҳбари Гулшан Олтинова. — Танловга тақдим этган лойиҳамиз бўйича болалар кийимлари тикишни йўлга қўйдик. Ўн бир нафар хотин-қиз меҳнат қилаётган корхонамизда интернет орқали буюртмалар олиш яхши йўлга қўйилган. 2014 йили on-line тарздаги буюртмалар орқали 40 млн. сўмлик маҳсулот харидорларга етказиб берилди. Режаларимиз катта. Жорий йилда банкдан 50 млн. сўм имтиёзли кредит олиб, ишлаб чиқаришни кенгайтирмоқчимиз.

ЎЗА.

BANK FAOLIYATI

учун 9,2 млрд. сўм, таълим муассасалари битирувчиларига тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишлари учун 8,8 млрд. сўм, банкнинг имтиёзли кредитлаш махсус жамғармаси манбалари ҳисобидан 11,5 млрд. сўм, озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат товарлари ишлаб чиқарувчи тадбиркорлик субъектлари учун эса 377,3 млрд. сўм миқдоридagi кредит маблағлари ажратилди.

Бу эса республикамизнинг барча ҳудудларида, айниқса, чекка ва меҳнат ресурслари зич жойлашган ҳудудларда хизмат кўрсатиш муассасалари ташкил этиш, маҳаллий маҳсулотлар ишлаб чиқариш салоҳиятини ошириб, республикамиз аҳолисини арзон ва сифатли маҳсулотлар билан таъминлашни яхшилашга, иқтисодий ва ижтимоий турмушни юксалтиришга хизмат қилиши баробарида ушбу сармоялар эвазига кўплаб янги иш ўринлари яратилгани бу йўналишдаги саъй-ҳаракатларнинг ижобий натижаси бўлди.

– Мамлакатимизда хотин-қизларнинг иқтисодий имтиёзлари муҳим тармоқларидаги иштирокини янада ошириш, уларни оилавий бизнесга жалб этиш ва шу орқали турмуш фаровонлигини юксалтириш юзасидан амалга оширилаётган чора-тадбирларда

банк ўз кредит сармоялари билан қанчалик фаол иштирок этмоқда?

– Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг туб замирида оилаларнинг фаровон ҳаёт кечириши, турмушини бундан-да обод этиш мужасамлашган.



Банк томонидан республикамизда тадбиркор аёллар фаолиятини ривожлантириш бўйича ҳам фаол ишлар олиб борилиб, шаҳар ва қишлоқларда аёллар доимий иш билан таъминланмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 25 майдаги «Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонига асосан тадбиркор аёлларга 77,3 млрд. сўмдан ортиқ миқдорда кредит маблағлари ажратилиб,

ушбу йўналишга кредит ажратиш бўйича белгиланган прогноз кўрсаткичлар ортиги билан бажарилди.

– **Давлатимиз раҳбарининг 2010 йил 28 июлда қабул қилинган «Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш**

борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони асосида ёшларни, авваламбор, касбхунар коллежлари, академик лицейлар ва олий таълим муассасалари битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш учун қатор имтиёзлар, кафолатлар ва ҳуқуқлар белгилаб берилган. Банк бўлажак ёш тадбиркорларни молиявий қўллаб-қувватлашга фаолиятининг устувор вазифаси сифатида қанчалик эътибор қаратди?

– Ушбу Фармон ижроси юзасидан банк жамоаси ёшларни, шу жумладан, таълим муассасалари битирувчиларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, улардаги интилишларни қўллаб-қувватлаш мақсадида Марказий банк, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, сиёсий партиялар ва тижорат банклари билан ҳамкорликда бир қатор тадбирларда фаол иштирок этмоқда. Хусусан, анъанавий тарзда ҳар йили «Ёш тадбиркор – юртга мададор», «Менинг бизнес-гоям», «Ватаним тараққиётига менинг ҳиссам» ва бошқа кўплаб лойиҳалар ўтказиб келинмоқда.

Мазкур тадбирлар самараси ўлароқ, 2014 йилда таълим муассасалари битирувчиларига 8,8 млрд. сўм миқдорда молиявий хизматлар кўрсатилди. Бу эса кўплаб ёшлар доимий иш билан таъминланишига олиб келди.

– **«Асака» банк хизматларидан фойдаланаётган тадбиркорлик субъектлари масофадан туриб ўзларининг ҳисоб рақамларини бошқариб бораётгани борасидаги қулайликлар ҳусусида кенгроқ тўхталиб ўтсангиз?**

– «Асака» банк томонидан доимий равишда мижозларга қулайликлар яратиш бўйича

фаол ишлар олиб борилади. Жумладан, банк мижозларига айна дамда «Банк-мижоз», «SMS-банк», «SMS-тўлов» хизматлари таклиф этилмоқда.

Ҳозирда «Банк-мижоз» хизматидан фойдаланувчилар сони 2 398, «SMS-банк»дан фойдаланувчилар сони 54 873, «SMS-тўлов» хизматидан фойдаланувчилар сони эса 62 908 нафарни ташкил этмоқда. Мазкур соҳадаги ишларни янада фаоллаштириш банкнинг келгусида амалга ошириши муҳим бўлган вазифалардан биридир.

– **«Мижоз банк учун эмас, банк мижоз учун» тамойилига амал қилган ҳолда жорий йилда «Асака» банк мижозлар учун яна қандай янги имкониятларни тақдим этмоқчи?**

– «Асака» банк жамоаси жорий йилда мижозларга юқори сифатли банк хизматларини кўрсатиш, иқтисодий ётнинг реал сектори корхоналарини молиявий қўллаб-қувватлаш, маҳаллий хомашёдан импорт ўрнини босувчи экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳамда хизматлар кўрсатишга мўлжалланган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари лойиҳаларини молиялаштириш бўйича фаол ишлар олиб боришни мақсад қилган.

Ёрқин ОЧИЛОВ
суҳбатлашди.

Қишлоқ хўжалигининг ривожини йўлида

Жаҳон банкнинг гуруҳига кирувчи Халқаро молия корпорацияси (IFC) мамлакатимиз банкларига агромолиялаштириш соҳасидаги фаолиятини кенгайтириш ва маҳаллий фирма ҳамда корхоналарга янада сифатли ҳамда хилма-хил молиявий хизматларни кўрсатишни йўлга қўйиш борасида ўз кўмагини бермоқда.

Мазкур фаолият доирасида жорий йилнинг январь ойида Халқаро молия корпорацияси томонидан «Хамкорбанк» АТБ вакиллари учун семинар ташкил этилди. Тадбир агробизнес учун лизинг бўйича операцияларнинг амалий жиҳатларига бағишланди, шунингдек, агробизнес учун лизинг битимлари ва ушбу битимлар билан боғлиқ бўлган хатарларни молиявий таҳлил этиш бўйича сессияларни ҳам ўз ичига олди.

– **Жаҳон банки лойиҳаларининг Ўзбекистондаги асосий йўналишларидан бири, бу – қишлоқ хўжалигини молиялаштириш ва янада ривожлантиришдир. Шу мақсадда бугун биз «Хамкорбанк» билан биргаликда қишлоқ хўжалигига лизинг бериш ва унинг хусусиятларини ўргатиш бўйича амалий семинар ўтказяпмиз, – дейди IFCнинг Марказий Осиёда қишлоқ хўжалигини молиялаштириш лойиҳаси раҳбари Адҳам Эргашев. – Бизнинг корпорация «Хамкорбанк» билан 2013 йилдан буён ишлаб келмоқда. Ушбу тижорат банкка ажратилган кредит портфели дастлаб 40 минг АҚШ долларини ташкил этган бўлса, бугунга келиб кредит суммаси 15 млн. АҚШ долларидан ошди. Бунинг на-**

тижасида умумий миқдори 5 мингдан 50 минг долларгача бўлган кредит портфеллари яратилди. Қишлоқ хўжалиги билан шуғулланувчи мижозлар мазкур кредитлардан фойдаланиб, ўз фаолиятларини янада ривожлантирмоқда.

Маълумки, юртимиз аҳолисининг катта қисми қишлоқ жойларда истиқомат қилади. Уларнинг аксарияти фермерлик фаолияти, чорвачилик, боғдорчилик ва ипакчилик каби қишлоқ хўжалигининг бошқа турлари билан машғулдир. Соҳа вакиллари фаолияти самарадорлигини янада ошириш ва улар учун қулайлик ҳамда енгилликлар яратиш, яъни уларни замонавий техникалар билан таъминлаш борасида юртимизда амалга оширилаётган ишларда тижорат банкларининг иштироки муҳим аҳамият касб этмоқда.

– IFC мутахассислари иштирокидаги бугунги семинар учинчи бор ташкил этилмоқда. Дастлаб, банк томонидан аграр соҳа вакиллари учун микрокредитлар ажратилган бўлса, кейинчалик кредитларнинг миқдори ошириб борилди, – дейди «Хамкорбанк»нинг Тошкент бўйича ҳудудий ривожлантириш маркази директори Жасур Ҳасанов.

– Мазкур соҳа ривожини учун 2014 йилнинг ўзида 31 млрд. сўм миқдорда кредитлар ажратдик. Жорий йилнинг январь ойи ҳолатига кўра, кредит портфели 36,7 млрд. сўмни ташкил этмоқда, бу 2014 йилнинг шу даврига нисбатан 6 баробар кўпдир. 2014 йил якунига кўра, жами агрокредит маҳсулотларидан фойдаланаётган мижозлар сони

вакиллари билан биргаликда ўқув-амалий семинарини олиб бормоқда.

Ушбу ташаббус Жаҳон банки ва IFCнинг молиялар ва бозорлар бўйича ҳамкорликдаги Глобал гуруҳи доирасида амалга оширилаётган Марказий Осиёда агромолиялаштиришни ривожлантириш лойиҳасининг бир бўғини ҳисобланиб, молия муассасалари, аграр соҳа вакиллари ва фер-



4 135 нафарни ташкил этмоқда. 2015 йилда олдимизга қўйилган мақсад 105 млрд. сўм миқдорда агрокредитлар ажратиш ва агрокредит портфелини 85 млрд. сўмга етказиш. Ҳозирда банкимиз мутахассислари қишлоқ хўжалиги техникаси ва дастгоҳларини олиш бўйича узоқ муддатли кредитлар ҳамда агролизинг маҳсулотини, яъни, кредит ва лизинглар ажратиш каби иккита агрокредит маҳсулотлари бўйича IFC

мерлар учун қишлоқ хўжалиги секторини молиялаштириш бўйича дастаклар ва ўқув дастурлари мажмуасини ишлаб чиқишга қаратилгандир.

«Хамкорбанк»нинг Тошкент бўйича ҳудудий ривожлантириш марказида ташкил этилган мазкур тадбир сўнггида журналистлар мавзу доирасида ўзларини қизиқтирган барча саволларга етарлича жавоб олдилар.

Рашид МИРЗАКАРИМОВ.

ХАВАРЛАР, VOQEALAR

Беш минг сўмга... «Captive»

– «Фаровонлик» лотереясини ўйнаб, «Captive» автомашинасини ютиб олдим, – дейди фарғоналик Гулчеҳраҳон Тошходжаева. – Одатда бундай ютуққа, албатта, омад етаклайди. Бироқ, мен бу фикрни бироз бошқача изоҳлайман. Яъни, ҳар қандай мақсадга эришиш учун ички хоҳиш ва тасаввур юқори даражада бўлиши лозим. Менда бу ҳис етарлича бўлди. Шунинг учун атиги беш минг сўм эвазига шундай катта ютуқ эгасига айландим.

«Агробанк»нинг мазкур лотереясини ўйнаб, маълум ютуқни қўлга киритган ҳар бир киши бугун мана шундай ўз тасаввурларининг реалликка айланганидан бахтиёр.

– Яхши ният – ярим давлат, дея бежиз айтилмаган, – дейди яна бир совриндор, Сурхондарё вилоятидан ташриф буюрган Тўрабек Омонов. – Шеробод туманидаги кичик бир жамиятнинг электриги сифатида яқин йилда «Captive» автомашинасини ололмаган бўлардим. Ушбу лотерея ҳақида эшитиб, яхши ният билан «Агробанк»

«Агробанк» акциядорлик-тижорат банки Бош офисида «Фаровонлик» пул-буюм ютуқли лотерея эгаларига совринларни топшириш маросими бўлиб ўтди. Тадбирда санъат намойидалари, банк раҳбарияти, лотерея ютуқлари эгалари ҳамда журналистлар иштирок этди.

АТБнинг Шеробод филиалидан 10 та билет сотиб олдим. Менга ҳам омад кулди.

Эслатиб ўтамиз, «Агробанк» АТБ мазкур фаолиятни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2014 йил 2 январдаги лицензиясига мувофиқ ташкил этиб, унда аҳоли бўш пул маблағларини банк айланмасига жалб қилиш ва, пировардида, маҳаллий корхоналарни молиявий қўллаб-қувватлаган ҳолда қўшимча иш ўринларини яратиш мақсади кўзда тутилган.

Лотерея ютуқлари фонди 22,5 млрд. сўм, тиражи эса, 1 118 000 (бир миллион бир юз ўн саккиз минг) дондан иборат бўлиб, унда республикамизда ишлаб чиқарилаётган товарлар – енгил автомашиналар, қишлоқ хўжалиги техникалари ва уй-рўзгор



буюмлари ҳамда салмоқли пул ютуқлари ўйналди.

– Бугунги маросимда менга ТТЗ-80-11 русумли трактор калити топширилди, – дейди Тошкент вилояти Янгийўл туманидаги «Абдуҳалил-саховат» фермер хўжалиги вакили Баҳодир Рустамов. – Шу босқичга, наҳотки 3 та лотерея олиб, трактор ютган бўлсам, дея

ишонқирамай юрдим. Омадни қаранг-ки, лотереяга хўжалигимизда зарурат бўлган русумдаги техникани ютибман.

Тадбирда, шунингдек, янгийўллик Улуғбек Сафаровга газ плита, бекободлик Озода Омоновага 25 млн. сўмлик пул ўтказилган пластик карта тақдим этилди.

– Икки нафар фарзан-

дим бор, – дейди О.Омонова. – Улардан бири учун уй-жой қилиш ташвишида эдим. «Фаровонлик» лотереясини олишда ана шу мақсадни кўзлагандим. Ниятимга етдим.

Ҳозир банк томонидан лотереянинг ютуқлар расмий жадвалига асосан ютуқларни ўз эгаларига топшириш давом этмоқда. Ютуқли билетлар «Агробанк»нинг барча филиалларида қабул қилиниб, белгиланган тартибда экспертизадан ўтказилмоқда.

Бугунги кунгача 7 дона «Captive», 6 дона «Malibu», 6 дона «Cobalt» русумли автомобиллар, 4 дона «ТТЗ» тракторлари, шунингдек, 43 дона музлатгич, 28 дона кондиционер, 44 дона кир ювиш машинаси, 38 дона газ плитаси ва 25 млн. сўмдан 500 минггача бўлган кўплаб ютуқли билетлар экспертизага топширилган. Текширув хулосалар чиққач, лотерея эгаларига белгиланган тартибда ютуқлар тақдим қилинади.

Эъзоз КАМОЛОВА.

Ўзбекистон хунармандлар карвони

Яқинда Франциянинг «Le Figaro Magazine» журналида Мари-Анжелик Озан қаламига мансуб «Ўзбекистон хунармандлар карвони» сарлавҳали мақола босилиб чиқди.

Мамлакатимиз миллий хунармандчилик санъатига бағишланган ушбу мақола франциялик ўқувчиларни халқимизнинг бой тарихий-маданий мероси билан яқиндан таништиради.

Муаллиф ёзганидек, «Ўзбекистон ўзининг нафақат ажойиб меъморий ёдгорликлари, балки миллий амалий санъатининг дурдоналари – хунармандчилик, кулолчилик маҳсулотлари, зардўзлик буюмлари билан ҳам дунёга машҳурдир. Улар санъат ва гўзаллик ихлосмандлари ҳамда жаҳоннинг турли мамлакатларидан келаётган сайёҳларнинг эътиборини жалб этиб, қалбларни завқшавққа тўлдирмоқда.

Мари-Анжелик Озан Тошкент ҳақида тўхталар экан, ушбу азим шаҳар тасвирий санъат асарлари ва халқ амалий санъати буюмлари намойиш этиладиган кўплаб музейлари, маданий марказлари билан ҳам донг таратганини қайд этади. «Ўзбекистон замани Буюк Ипак йўлининг кўҳна ва энг муҳим чорраҳаси бўлиб, унда Марказий Осиё санъатининг



энг гўзал намуналари ўз тажассумини топган», деб ёзади у.

«Le Figaro Magazine» ўз ўқувчиларини юртимизнинг қадимий шаҳарлари билан таништиришда давом этар экан, қадимий Хива шаҳрини «Қорақум марвариди» деб атайди. Хасрлардаёқ гуллаб-яшнаган, Шарқ меъморчилигининг ўзига хос ноёб дурдонаси, бутун оламга қадимий ёдгорликлари, машҳур алломалари билан танилган шариф шаҳар – Бухорога «Марказий Осиёнинг муқаддас шаҳри», дея таъриф берган.

Мақолада журналист Лаби Ҳовуз мажмуасидаги хунармандларимиз томонидан яратилган гилам ва каш-

талар, сопол ва темирдан ясалган нафис буюмлар, миллий миниатюра услубидаги расмлар ҳамда бошқа маҳсулотлар, уларнинг яратилиш услуби, усталар ҳақида ҳам тўхталиб ўтади. У Лаби Ҳовузни «Шаҳарнинг афсонавий маркази» деб атаган. Мари-Анжелик Озан Самарқанд ҳақидаги таассуротларини қаламга олар экан, ўрта аср меъморчилигининг маҳобатли ва бетакрор ганжиналари – Регистон мажмуаси, Бибиҳоним масжиди, Амир Темур мақбараси ва Шоҳи Зинда ёдгорликлари ҳақида атрофлича маълумотларни европалик муштарийлар эътиборига ҳавола қилган, деб ёзади Жаҳон ахборот агентлиги.

Мақолада Ўзбекистон ипак ишлаб чиқариш бўйича жаҳонда учинчи ўринда туриши, Фарғона водийсида жойлашган Марғилон шаҳри эса шойи тўқининг тарихий маркази бўлгани алоҳида таъкидланган. Муаллиф қайд этганидек, «Бу ерда ишлаб чиқариладиган атлас матолари нафақат Ўзбекистондаги, балки хорижий мамлакатлардаги соҳа мутахассислари ҳамда модельерларни ҳам илҳомлантирмоқда».

«Туркистон-пресс» НАО.

Автосалонларда мотоцикллар сотувга чиқмоқда

Самарқандда «Элхондинг» компанияси уч гилдиракли мотоцикллар, енгил автомобиллар учун тиркамаларни ишлаб чиқаришни бошлади.

– Корхонамизда ҳар ойда 250-300 га яқин техника ишлаб чиқарилади, – дейди корхона раҳбари ўринбосари Собир Қодиров. – «GM-Uzbekistan» билан ҳамкорликда жорий йилда мотоцикллар двигателларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. Шунингдек, ушбу маҳсулотни «Ўзавтосаноат» автосалонлари орқали республика ички бозорига оммалаштириш кўзда тутилмоқда.

Ҳозирги пайтда мазкур корхонада бир йилда етти мингта мотоцикл ишлаб чиқарилмоқда. Мотоцикл 650 килограмм юк кўтаришга мўлжалланган бўлиб, ёқилги сарфлаш жиҳатидан эса жуда тежамкордир. Ушбу мотоцикллар МДХ давлатларига ҳам экспорт қилиниши режалаштирилган.

«Туркистон-пресс» НАО.

БАНК АХБОРОТНОМАСИ

АХБОРОТ-ТАҲЛИЛИЙ ГАЗЕТА

ҲАМКОРЛАРИМИЗ ВА МУАССИС

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки

«Norma» МЧЖ

«Moliya yangiliklari agentligi» МЧЖ

БОШ МУҲАРРИР

Акмал НАЗАРОВ

Нашр учун масъул

Анвар АСРОРОВ

ЧОП ЭТИШГА ТАЙЁРЛОВЧИ

Газета «Moliya yangiliklari agentligi» МЧЖнинг компьютер базасида саҳифаланди

АХБОРОТ КҮМАГИ

ЎЗА, «Туркистон-пресс» НАО

ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ:

100084, Тошкент ш.,

Ғ. Мавлонов кўчаси,

1а-уй, 3-қават.

e-mail: info@banknews.uz

www.banknews.uz

Реклама ва эълонлар учун
234-43-18

телефони орқали мурожаат қилинг.

Юридик шахслар учун нашр индекси – 102.

Жисмоний шахслар учун нашр индекси – 377.

Тахририятнинг фақат ёзма розилиги билан «Банк ахборотномаси»да эълон қилинган материалларни кўчириб босишга ижозат берилмади.

Кўлемлар тақриз қилинмайди ва қайтарилмайди.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2012 йил 10 январда 0065-тартиб рақами билан рўйхатга олинган.

Газета ҳафтанинг чоршанба кунини чоп этилади.

Буюртма № 1984

Адади: 10711 нуска.

Нархи шартнома асосида.

Газета АЗ ҳажмида, 4 шартли босма табоқда чоп этилди.

Босишга рухсат этилди: 27.01.2015 й.